# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 30 август, № 188-189 (8250-8251) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ ВАТАН ОЛДИДАГИ ХИЗМАТЛАРИ АВЛОДЛАР УЧУН ИБРАТ МАКТАБИДИР

**29 август куни Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуасининг тантанали очилиш маросими бўлди.**






Маросимга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташриф буюриб, жамоатчилик вакиллари билан биргаликда ҳайкални очди. Давлат мадҳияси янграда.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида сарқарданинг шахсияти, тарихда тутган ўрнини алоҳида эътироф этди.

— Жалолиддин Мангуберди эл-юрт истиқлоли учун курашган, шу йўлда азиз жонини қурбон қилган аждодларимизнинг буюк намояндасидир. Она юртга муҳаббат ва садоқат, ор-номус ва шон-шараф бобида Жалолиддин Мангубердига тенг келадиган улуғ шахслар дунёда камдан-кам учрайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Жалолиддин 1198 йилда туғилган ва қисқа умри давомида тарихда унутилмас из қолдирган қаҳрамон шахсдир. У мўғуллар қўшини даҳшатидан ҳамма ўзини олиб қочган пайтда, атиги 21 ёшида қўрқмасдан майдонга чиққан. 11 йил давомида мўғул босқинчиларига қарши 300 дан ортиқ жангларда иштирок этиб, уларни титратган. Ҳатто Чингизхондек буюк ҳукмдор ҳам унинг матонатини кўриб: “Бундай қаҳрамон фарзанди бор ота нақадар бахтлидир”, деб тан берган. Жасур шаҳзода тақдирнинг қалтис синовларини мардона енгиб ўтиб, 32 ёшда хоинлар қўлида ҳалок бўлган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# ЧИНАКАМ МАРДЛИК ВА ВАТАНГА ЧЕКСИЗ САДОҚАТНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Қадрли Хоразм аҳли!

Бугун Мустақиллик байрами арафасида халқимизнинг буюк фарзанди Жалолиддин Мангуберди хотирасига бағишлаб бунёд этилган муҳташам ёдгорлик мажмуасини тантанали равишда очмоқдамиз.

Ҳеч шубҳасиз, бунда чуқур рамзий маъно бор. Нега деганда, **дунёдаги энг улкан қаҳрамонлик — бу Ватан мустақиллиги ва озодлиги йўлида кўрсатилган мардлик ва жасоратдир. Бундай қаҳрамонлик асло унутилмайди, ҳамиша халқ қалбида яшайди.**

Жалолиддин Мангуберди эл-юрт истиқлоли учун курашган, бунга ўз ҳаётини бағишлаган аждодларимизнинг буюк намояндасидир.

Она юртга муҳаббат ва садоқат, ор-номус ва шон-шараф бобида унга тенг келадиган улуғ шахслар дунёда камдан-кам учрайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Бу фикримизни донишманд аллома ва одил ҳукмдор Мирзо Улуғбекнинг: **“Олам аҳли Жалолиддиндан олдин ҳам, кейин ҳам бундай баҳодир жангчини кўрмаган. Бу зотнинг азму шижоати олдида ҳатто буюкликнинг ўзи ҳам таъзим қилади”**, деган сўзлари яққол тасдиқлайди.

Султон Жалолиддин ўн бир йил давомида мўғул босқинчиларига қарши 300 дан ортиқ жангларда иштирок этиб, ёвларни титратиб келди. Бундай жасорат ҳар қандай одамни ҳам ҳайратда қолдиради.

Енгилмас саркарданинг Синд дарёси бўйида ўз қўшинидан тўрт марта кўп бўлган Чингизхон қўшинига мардона қарши чиққанини эслайлик. Ёки Исфаҳон яқинидаги жангда, бор-йўғи, 14 нафар аскари билан мингдан зиёд мўғул лашкарининг қуршовини ёриб ўтганини ёдга олайлик.

Ҳатто Чингизхондек саркарда ҳам унинг матонатини кўриб: **“Жалолиддиндек қаҳрамон фарзанди бор ота нақадар бахтлидир”**, деб тан беришга мажбур бўлган.

Султон Жалолиддин жанговар фаолияти билан нафақат ўз юртини, балки дунёдаги ўнлаб мамлакатларни ҳам мўғул ҳужумидан ҳимоя қилганини жаҳон аҳли эътироф этади. Бутун умри урушда ўтган бўлишига қарамасдан, у оғир ва мураккаб даврларда ҳам илм-маърифат ҳомийси сифатида масжид ва мадрасалар, карвонсаройлар, қалъалар, йўл ва кўприклар қурдирган.

Тақдирнинг қалтис синовларини мардона енгиб ўтган, 32 ёшда ҳалок бўлган азамат аждодимизнинг ҳаёт йўли, шахсияти ва жасорати барчамизга асло эскирмайдиган бир ҳақиқатни уқтиради:

**Ватан озодлиги, Ватан манфаати йўлида бирлашиб, мардимайдон бўлиб курашга бел боғлаган халқни ҳеч қандай куч ҳеч қачон енга олмайди.**

(Давоми 2-бетда).

# ГЕРМАНИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОН ЕТАКЧИСИ ВА КЎП МИЛЛАТЛИ ХАЛҚИНИ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 август куни Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Кўп қиррали Ўзбекистон — Германия ҳамкорлигини янада ривожлантириш ҳамда минтақавий шерикликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида Германия Президенти давлатимиз раҳбари ва кўп миллатли халқимизни мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги билан самимий қутлади. Кейинги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар дастурининг натижалари алоҳида қайд этилди, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий янгиланишлар қўллаб-қувватланди.

Етакчилар олий даражадаги келишувларни амалга ошириш натижасида икки томонлама муносабатларда юксак даражага эришилганини мамнуният билан қайд этдилар.

Жорий йил бошида ўзаро товар айирбошлаш 60 фоизга ўсди. Мамлакатимизда Германиянинг 200 дан зиёд етакчи компаниялари муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ўтган ойда «Knauf», «Papenburg» ва «Falk Porsche» каби таниқли корхоналар Ўзбекистонда ўзларининг янги заводларини ишга туширди.

Шу йилнинг июль ойида Германия бизнесининг 100 дан ортиқ вакиллари иштирокида ўтган Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги йиғилишидан сўнг иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларида 24 та янги инвестиция лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш бошланди.

Ўзаро манфаатли молиявий-техник ва маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Юртимизда Гёте институти, Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт фондлари каби Германиянинг бошқа ташкилотлари ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон ва Германия Президентлари амалий ҳамкорликнинг кенгайиши, шунингдек, узоқ муддатли шерикликни ривожлантиришга қаратилган қўшма дастур ва лойиҳаларнинг илгари сурилишини қўллаб-қувватладилар.

Минтақавий ҳамкорлик, шу жумладан, Европа Иттифоқи доирасидаги конструктив мулоқотни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Афғонистонда узоқ муддатли тинчликни таъминлаш ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш мақсадида фаол ҳамкорликни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Германия Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек самимий, очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, барча соҳа ва тармоқларда ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, илғор инновацион технологияларни амалиётга жорий қилиш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, ҳудудлар инфратузилмасини жадал ривожлантиришдаги улкан хизматлари, жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро тотувликни асраб-авайлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларидаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

(Давоми 2, 3-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги алоҳида хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги шарафли бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани, соҳада юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар орден ва медаллар билан мукофотлансин:

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш, сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, инвестициявий, таълим, илм-фан ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни кенгайтиришга қўшаётган катта ҳиссаси, юртимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ва улкан демократик ўзгаришларни, Ўзбекистон томонидан илгари сурилаётган глобал ва минтақавий ташаббусларни фаол қўллаб-қувватлаш, шунингдек, халқларимиз орасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини тобора мустаҳкамлаш, узоқ муддатли ва кенг қамровли муносабатларни янги босқичга кўтариш борасидаги самарали фаолияти учун қуйидагилар «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин:

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, СПОРТ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ СОҲАЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларга қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг ёрқин истеъдоди, кенг қамровли ижодий, илмий-амалий фаолияти билан халқимиз маънавиятини юксалтириш, мамлакатимизда илм-фан, таълим, спорт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш, ёшларимизни она юртга чексиз муҳаббат ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги самарали хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар билан тақдирлансин:

(Давоми 4-бетда).

# ЧИНАКАМ МАРДЛИК ВА ВАТАНГА ЧЕКСИЗ САДОҚАТНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳурматли маросим қатнашчилари!

Мустақиллик йилларида Ватанимизда Жалолиддин Мангубердининг ўлмас хотирасини абадийлаштириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар барчангизга яхши маълум. Хусусан, давлатимизнинг юксак мукофоти — Жалолиддин Мангуберди ордени таъсис этилди. Юртимизда бу улуғ зотнинг таваллуд саналари муносиб нишонланмоқда. Унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган янги-янги илмий ва бадиий асарлар яратилмоқда.

Буюк аждодимизнинг давомчиларини камол топтириш мақсадида Урганчда Жалолиддин Мангуберди номидаги ҳарбий академик лицей ташкил этдик. Бу мардлик мактаби жорий йил илк бор ўқувчиларни ўз бағрига қабул қилмоқда. Уларнинг барчасига омад ва зафарлар тилаб, келгусида бу навқирон авлод орасидан улуғ саркарданинг муносиб издошлари бўлган ҳақиқий ватанпарвар ўғлонлар, жасур офицер ва генераллар етишиб чиқади, деб ишонамиз.

Азиз дўстлар!

Биз бугун очилаётган ёдгорлик мажмуаси лойиҳаси устида жуда кўп ишладик. Зиёлиларимиз, кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳаза ва таклифларини ўргандик. Бўйи 25 метр бўлган ушбу маҳобатли ҳайкалда Султон Жалолиддиннинг қатъиятли, мағрур сиймосида келажакка катта ишонч ва шиддат билан интилаётган халқимизнинг ватанпарварлиги, букилмас иродаси ўз ифодасини топган.

Ҳайкал олдида Жалолиддин Мангуберди битиктошининг нусхаси ўрнатилди. Битиктош нусхасида муқаддас Қуръони карим оятлари, Жалолиддин Мангуберди шажараси, ушбу ёдгорликнинг яратилиш тарихи акс эттирилган.

Жалолиддин Мангуберди мажмуасини барпо этиш билан бирга, Урганч шаҳри ва унинг марказий майдонида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари ҳам амалга оширилди. Қарийб 8 гектарлик ушбу ҳудуд бутунлай янгича қиёфа касб этди. Бу ерга 18 мингга яқин манзарали дарахтлар, гуллар ва буталар экилди. Шаҳарнинг марказий майдони остидан ўтадиган, тўрт қаторли, узунлиги 500 метр бўлган ноёб автомобиль туннели барпо этилди.

Ҳурматли тантанали маросим иштирокчилари!

Шу ўринда айтиш керакки, охирги йилларда амалга ошираётган ислоҳотларимиз натижасида барча ҳудудлар каби Хоразм ҳам ўзгармоқда. Хусусан, ўтган 5 йилда барча туман марказлари, 100 га яқин қишлоқ ва маҳаллалар обод қилинди. Сайёҳлар учун 80 та янги меҳмонхона қурилди.

Келгуси 5 йилда вилоятда янги меҳмонхона ва оилавий меҳмон уйлари ташкил этилиб, хорижий туристлар сони 10 баробар оширилади, яъни ярим миллионгача етказилади.

"Очиқ осмон остидаги музей" номини олган Хива шаҳрига темир йўл етиб борди ва янги вокзал ишга туширилди. 2024 йилда эса тезюрар поездни Хивага олиб келишни режа қилганмиз.

Тулпор каби учқур, тезюрар поездга Жалолиддин Мангуберди номини берсак, ўйлайманки, сизлар ҳам бу таклифни қўллаб-қувватлайсизлар. Шунингдек, Урганч ва Хива шаҳарлари ўртасидаги автомобиль йўли бўйида 100 дан зиёд замонавий сервис объектлари барпо этилади.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти томонидан Хива шаҳрининг 2024 йилда **"Ислом дунёсининг туризм пойтахти"** деб эълон қилиниши бу соҳадаги ислоҳотларимизнинг муносиб эътирофи бўлди.

Бошлаган ишларимизнинг изчил давоми сифатида воҳада маҳаллий ва чет эллик сайёҳлар учун жозибадор **"Хоразм" туристик брендини яратиш** бўйича аниқ режа асосида иш олиб борилмоқда.

Хоразмга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини кескин ошириш учун ҳудудлараро ва халқаро транспорт қатновларини кенгайтириш мақсадида зарур инфратузилмалар яратилади. Жумладан, йўловчилар оқими бўйича пойтахт аэропортидан кейинги ўринда турадиган Урганч халқаро аэропорти келгуси 2 йилда реконструкция қилиниб, йирик туристик транспорт хабига айлантирилади.

Хабарингиз бор, сиз, азизлар билан маслаҳатлашиб, халқимиз, биринчи навбатда, ёшларимизнинг фикри, хоҳиш-истакларини эътиборга олиб, Урганч шаҳрида Ал-Хоразмий шаҳарчаси қурилишини бошладик.

Бу ердаги 130 гектардан зиёд ҳудудда Ал-Хоразмий университети ва ихтисослашган мактаби, Ал-Хоразмий маркази, буюк бобомизнинг улуғвор ҳайкали бунёд этилади. Шунингдек, бу ерда технопарк, ишлаб чиқариш зонаси ва офислар, тиббиёт, инновация ва маданият марказлари, мактаб ва боғчалар, яшил майдон ва хиёбонлар, спорт мажмуалари, автотураргоҳ, савдо ва маиший бинолар, энг муҳими, аҳоли учун 104 та кўп қаватли замонавий шинам уйлар барпо этилади.

Худо хоҳласа, бу шаҳарча ҳам худди Самарқанддаги "Буюк Ипак йўли" халқаро туризм маркази сингари мамлакатимизнинг энг гўзал ва бетакрор масканларидан бирига, таъбир жоиз бўлса, Урганч шаҳрининг юзига айланади.

Фурсатдан фойдаланиб, Хоразмда мана шундай эзгу ишларни амалга оширишда иштирок этган ва меҳнатини давом эттираётган барча-барча азиз инсонларга — қурувчи ва муҳандисларга, меъмор ва ҳайкалтарошларга, техник мутахассис ва мутасаддиларга, чет эллик ҳамкорларимизга, меҳнаткаш ва олижаноб Хоразм аҳлига самимий миннатдорчилик билдираман.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугунги маросимда зиёлилар, айниқса, ёшлар вакиллари иштирок этаётгани учун бир масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Биз кўплаб муҳташам иморатлар қуришимиз, маҳобатли ҳайкаллар барпо этишимиз мумкин. Аммо ушбу бунёдкорлик ишларимизнинг туб маъносини, тарбиявий аҳамиятини халқимиз, ёшларимиз қалбига сингдирмасак, бу обидаларнинг маънавий ибратини тушунтира олмасак, асосий мақсадимизга ета олмаймиз.

Биз бугун дунёда ва минтақамизда турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган нотинч бир замонда яшамоқдамиз. Кўплаб бузғунчи кучлар ўзларининг ғараз ниятлари билан ёш авлоднинг онгини эгаллашга уринмоқдалар. Бундай таҳликали вазиятда жондан азиз фарзандларимизни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шу сабабли буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди сингари ватанпарвар, жасоратли аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш, уни халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш барчамизнинг бурчимизга айланиши лозим.

Айни вақтда бу борада фидойи олим ва адибларимиз томонидан олиб борилаётган илмий-ижодий изланишларни қўллаб-қувватлашимиз, уларни янги асарлар яратишга рағбатлантиришимиз лозим. Хусусан, ана шундай изланишлар туфайли Туркиянинг Силван шаҳрида улуғ аждодимизнинг қабри топилгани муҳим аҳамиятга эга. Ушбу қардош давлат билан келишиб, бу ерда рамзий мақбара бунёд этсак, албатта, ҳар томонлама савобли иш бўлади.

Вилоят ҳокимлиги ҳамда хоразмлик зиёлиларнинг саъй-ҳаракати билан тузилган Жалолиддин Мангуберди фонди фаолиятини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чораларини ҳам кўришимиз зарур.

Жалолиддин Мангубердининг шарафли тарихини тўлақонли ёритиб берадиган илмий энциклопедия, яъни қомус яратиш ҳам олдимизда турган муҳим вазифадир.

**Чақмоқдек қисқа умри мобайнида ўзбек халқига хос бўлган Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат, юксак ҳарбий салоҳиятни намоён этиб яшаган Жалолиддин Мангуберди каби буюк аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак, арзийди.**

**Ишонаман, орадан йиллар, асрлар ўтади, Султон Жалолиддин ҳамиша юртимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, унга фарзандлик меҳри, иймон-эътиқод билан хизмат қилишнинг ўчмас тимсоли бўлиб қолади.**

Муҳтарам ватандошларим!

Сўзимнинг якунида барчангизни бугунги қутлуғ тарихий воқеа билан, яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрамимиз билан яна бир бор чин қалбимдан самимий табриклайман.

Ҳаммангизга тинчлик-омонлик, оилавий бахт-саодат, хонадонларингизга битмас-туганмас қут-барака тилайман.

Дунёга Жалолиддин Мангуберди каби буюк қаҳрамонларни берган муқаддас заминимиз, она халқимиз омон бўлсин!

Мард ва матонатли Хоразм элининг доимо бахтини, омадини берсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

# БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ ВАТАН ОЛДИДАГИ ХИЗМАТЛАРИ АВЛОДЛАР УЧУН ИБРАТ МАКТАБИДИР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Султон Жалолиддин жанговар фаолияти билан нафақат ўз юртини, балки дунёдаги ўнлаб мамлакатларни ҳам босқинчилар ҳужумидан ҳимоя қилган. Унинг номи, ўлмас жасорати халқ орасида, турли миллат ва элатлар ўртасида афсонага айланган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бу улуғ аждодимизнинг хотираси абадийлаштирилди. Таваллуд саналари муносиб нишонланди. Давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири — Жалолиддин Мангуберди ордени таъсис этилди. Унинг фаолиятига бағишланган илмий ва бадиий асарлар яратилди. Жумладан, туркиялик киноижодкорлар билан ҳамкорликда "Мендирман, Жалолиддин!" номли кўп қисмли тарихий фильм суратга олинди. Улуғ саркардага муносиб ватанпарвар ўғлонларни тарбиялаш мақсадида Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди номида ҳарбий академик лицей ташкил этилди.

Хоразм марказида барпо этилган ёдгорлик мажмуаси шундай тарихий ишлардан биридир. Бу ташаббусни Президентимиз 2018 йилда илгари сурган эди. Ҳайкалнинг жойи, кўриниши ва мазмуни тарихчи олимлар, санъатшунослар ва қурувчилар иштирокида чуқур муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари уни қурилиш мобайнида ҳам бир неча бор келиб кўрди.

Шу тариқа бўйи 25 метрни ташкил этадиган маҳобатли ҳайкал барпо этилди. Унда Жалолиддин Мангуберди тулпор жиловини маҳкам тутиб, эл-юрт ҳимоясига отланиб тургани тасвирланган. Султоннинг қатъиятли, мағрур сиймосида келажакка катта ишонч билан интилаётган халқимизнинг ватанпарварлиги, букилмас иродаси ўз ифодасини топган.

Ҳайкал олдида Жалолиддин Мангуберди битиктошининг нусхаси ўрнатилди. Эрон ҳудудидан топилган, оғирлиги 32 килограмм, баландлиги 30 сантиметр бўлган бу тошда Қуръони карим оятлари, Жалолиддин Мангубердининг шажараси ёзилган. Унинг асли ҳозирги кунда Лондондаги машҳур Британия музейида сақланади. Бу ҳам буюк аждодимизнинг жаҳон тарихидаги беқиёс шуҳратидан далолат беради.

Мажмуа ўрин олган қарийб 8 гектар майдонда, Ал-Хоразмий ва Ислом Каримов кўчаларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ушбу майдон остидан ўтадиган автомобиль туннели барпо этилди. Ҳудудга 18 мингга яқин манзарали дарахтлар, гуллар ва буталар экилди.

Бу майдон Хоразмнинг кун сайин ўзгариб, чирой очиб бораётган қиёфасига яна бир кўрк бўлди. Хусусан, ўтган беш йилда вилоятда барча туман марказлари, 100 га яқин қишлоқ ва маҳаллалар обод қилинди. Сайёҳлар учун 80 та янги меҳмонхона қурилди.

"Очиқ осмон остидаги музей" номини олган Хива шаҳрига темир йўл етиб борди ва янги вокзал ишга туширилди. 2024 йилда бу ерга "Афросиёб" тезюрар поездини олиб келиш режалаштирилган. Ислом ҳамкорлик ташкилоти томонидан Хива шаҳрининг 2024 йилда "Ислом дунёсининг туризм пойтахти" деб эълон қилиниши бу саъй-ҳаракатларнинг муносиб эътирофи бўлди.

Буларни изчил давом эттирган ҳолда, маҳаллий ва чет эллик сайёҳлар учун ҳар томонлама жозибадор "Хоразм" туристик брендини яратиш бўйича иш олиб борилмоқда. Жалолиддин Мангуберди мажмуаси тарихни ифода этиши, сўлимлиги ва қулайликлари билан туризмда ҳам алоҳида ўрин тутади.

Президентимиз буюк саркарда Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш, уни халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш зарурлигини таъкидлади.

Хусусан, шундай изланишлар туфайли Туркиянинг Силван шаҳрида улуғ аждодимизнинг қабри топилди. Давлатимиз раҳбари турк қардошларимиз билан бирга у ерда рамзий мақбара бунёд этиш таклифини билдирди.

Фидойи олим ва адибларнинг илмий-ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаш, Жалолиддин Мангубердининг қаҳрамонлик тарихини тўлақонли ёритиб берадиган илмий энциклопедия яратиш муҳим вазифа экани қайд этилди.

— Чақмоқдек қисқа умри мобайнида ўзбек халқига хос бўлган Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат, юксак ҳарбий салоҳиятни намоён этиб яшаган Жалолиддин Мангуберди каби буюк аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак, арзийди. Ишонаман, орадан йиллар, асрлар ўтади, Султон Жалолиддин ҳамиша юртимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, унга фарзандлик меҳри, иймон-эътиқод билан хизмат қилишнинг ўчмас тимсоли бўлиб қолади, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Маросимда хоразмлик нуроний ва зиёлилар, ҳарбий хизматчилар ҳам сўзга чиқиб, йиғилганларни табриклади.

Миллий гвардиянинг Фахрий қоровул таркиби "Жалолиддин Мангуберди" марши садолари остида ҳайкал олдидан тантанали юриб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев Жалолиддин Мангуберди битиктошига гулчамбар қўйди.

Маросим ватанпарварлик руҳидаги концерт дастури билан давом этди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Урганч шаҳрида Ал-Хоразмий шаҳарчаси қурилиши пойдеворига капсула қўйди.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳа билан жорий йил мартда вилоятга сафари чоғида танишган, уни такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берган эди. Шулар асосида пишитилган лойиҳа ижобати бугунги хайрли кунларда — мустақиллик байрамимиз арафасида бошланди.

Маросимда хоразмлик ёшуллилар, аёллар, ёшлар иштирок этди. Президентимиз улар билан мулоқот қилди.

— Бугунги замонавий илм-фаннинг, электрон кашфиётларнинг туб замини Ал-Хоразмий бобомизнинг мислсиз илмий мероси билан боғлиқ. Биз бу билан нафақат фахрланишимиз, балки унга муносиб бўлишимиз керак. Шунинг учун Урганч шаҳрида буюк олим номи билан аталадиган алоҳида шаҳарча барпо этишга қарор қилдик, — деди давлатимиз раҳбари.

Бу мажмуа Урганч халқаро аэропорти яқинида, 130 гектардан зиёд ҳудудда бунёд қилинади. Самолётдан тушган ҳар қандай одамнинг кўз ўнгида, аввало, мана шу гўзал маскан намоён бўлади. Шаҳарча марказида Хоразмий бобомизнинг муаззам ҳайкали ўрнатилади.

Асосийси, бу ерда Ал-Хоразмий номидаги янги университет барпо этилади. Унинг қошида истеъдодли болалар учун ихтисослаштирилган мактаб қурилади. Уларда ўқиган ёшлар шаҳарчада бунёд этиладиган илм-фан, инновация ва маданият марказларида фаолият кўрсатиб, буюк аждодимизнинг анъаналарини давом эттиради.

Шунингдек, бу ерда технопарк ва офислар, тиббиёт, инновация ва маданият марказлари, хиёбонлар, мактаб ва боғчалар, спорт мажмуалари, автотураргоҳ, савдо ва маиший бинолар бўлади. 5 мингта хонадонли 104 та кўп қаватли уй-жой барпо этилади. Иншоотлар "ақлли технологиялар" асосида жиҳозланади.

Президентимиз мажмуа бунёдкорларини Мустақиллик байрами билан табриклаб, ушбу масъулиятли ва шарафли ишларида муваффақиятлар тилади.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Хоразм вилоятига ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Аҳмаджон ШОКИРОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвони билан

**Шайзаков Ташмурат** — Боёвут туманидаги «Шайзоқ ота» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвони билан

**Ортиқов Бекдурди Садуллаевич** — Қўшкўпир туманидаги «Ҳамроҳ» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

**Чутпулатов Чори Эргашевич** — Жарқўрғон туманидаги «Жарқўрғон» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор» фахрий унвони билан

**Артиқов Кенжабой** — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг Хоразм вилояти инспектори

**Туланов Шарофиддин Худобердиевич** — «Сўх-Оқтепа» ирригация тизими бошқармаси гидроучастка бошлиғи, Фарғона вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони билан

**Нуримов Шалабай Арапбаевич** — Қораўзак туманидаги «Ермак» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвони билан

**Тугонова Улбуви** — Пайариқ туманидаги «Тўғонов Бебит бобо» фермер хўжалиги пиллачиси, Самарқанд вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвони билан

**Алиматов Омонбек Давронбекович** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг 1-навли прокат цехи катта устаси, Тошкент вилояти

**Ишмуратов Бахром Напасович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Рух заводи эритиш цехи бошлиғи, Тошкент вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвони билан

**Халматов Эркин Иргашевич** — Жиззах вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» фахрий унвони билан

**Ахмеджанов Якубджан Бакиджанович** — «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамиятининг «18-автобус саройи» филиали автобус ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими» фахрий унвони билан

**Умаров Бехзод Назруллаевич** — «Uzbekistan airways» акциядорлик жамиятининг Парвозлар хизмати департаменти «Боинг-787» ҳаво кемаси командири

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан

**Иноятов Январ Пулатович** — Қашқадарё вилояти ҳокимининг фахрийлар билан ишлаш бўйича маслаҳатчиси

**Хашимов Аманджан** — Фарғона вилояти нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Абдурасулов Фахритдин Раупович** — «Uzbekistan GTL» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Қашқадарё вилояти

**Айтбаев Баҳадир Юлдашович** — «Устюрт қидирув-бурғилаш бошқармаси» масъулияти чекланган жамияти бурғиловчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Арифджанов Акмал Закирджанович** — «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг бош директори ўринбосари

**Гадоев Эркин Файзиевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси

**Қамбаров Нумонжон Мамажонович** — «UzAuto Motors» акциядорлик жамиятининг логистика бўлими кран машинисти, Андижон вилояти

**Латипов Уктам Хамидович** — «Samarkand Touristic Centre» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Самарқанд вилояти

**Сувонқулов Мухаммад** — Пахтакор туманидаги «Семруғ» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Турсунов Акбархужа** — Учкўприк туманидаги «Тошкентлигузар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти

**Халикулов Элмурад Худайназарович** — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Марказий кон бошқармаси директори, Навоий вилояти

**Юсупхужаев Сайдиагзам Сайдиумарович** — «Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти» давлат муассасаси лаборатория мудири

### «Дўстлик» ордени билан

**Абдуллаева Холида Абдужалиловна** — Сайхунобод туманидаги «Сайхунобод агропилла» масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Сирдарё вилояти

**Аккулов Уралбай Абдуганиевич** — Халқ депутатлари Зомин тумани Кенгаши депутати, меҳнат фахрийси, Жиззах вилояти

**Бегнаева Бибисора** — Қарши туманидаги «Ертепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти

**Бобоев Абдираҳмон Юсупович** — Чироқчи туманидаги «Абдираҳмон бобо асали» хусусий корхонаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Гиясов Аълохон Камалович** — Юнусобод тумани нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Тошкент шаҳри

**Жумаев Араббой Ражаббоевич** — Муборак тумани «Муборак» қоракўлчиликка ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти бош чорвашуноси, Қашқадарё вилояти

**Исраилов Исмаил Джураевич** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг энергетика цехи1-қозонхона устаси, Тошкент вилояти

**Календеров Караматдин Каражанович** — Нукус шаҳар маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Караев Джура** — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг Жиззах вилояти инспектори

**Матниязова Ойбиби Наримановна** — Шовот туманидаги «Гулистон биосервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

**Мирзаев Мухаммад Хамидович** — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марғилон шаҳар кенгаши раиси, Фарғона вилояти

**Мирзакулова Ўлмас Абдурасуловна** — Термиз шаҳридаги «Шодлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

**Найденова Галина Олеговна** — «Тошкент минтақавий темир йўл узели» унитар корхонасининг Ховос сигнализация ва алоқа масофаси электр механиги, Сирдарё вилояти

**Носиров Абдусамад** — Пискент тумани нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Тошкент вилояти

**Оқбутаев Эгамберди Эргашович** — «Қуйи Зарафшон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг Насос станциялари ва энергетика бошқармаси автокран ҳайдовчиси, Навоий вилояти

**Пирнафасов Нормат Хўжабоевич** — «Туямўйин гидроэлектростанцияси» унитар корхонасининг турбина цехи машинисти, Хоразм вилояти

**Примбетов Аймурза Абилкаирович** — Қонликўл тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Рахимов Бозор** — Бахмал тумани нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Жиззах вилояти

**Рустамов Ахмаджон Ражабович** — Меҳнат фахрийси, Тошкент вилояти

**Салиходжаев Закирходжа Тораходжаевич** — «Тошкент шаҳар сув таъминоти» масъулияти чекланган жамиятининг «Қодирия» бош сув иншооти диспетчерлик хизмати бошлиғи

**Сатторов Рустамжон Тешаевич** — Самарқанд шаҳридаги «Bad Group» масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти

**Сафаров Суннатилло Суюнович** — «Навоийазот» акциядорлик жамиятининг Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси участка бошлиғи, Навоий вилояти

**Тулякова Робия** — Сурхондарё вилояти «Бувижонлар» мактаби раиси

**Турдибаев Ҳашимжон Пирматович** — Қувасой шаҳридаги «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти

**Умарова Илмира Туремуратовна** — «Ҳудудгаз Хоразм» газ таъминоти филиалининг марказий диспетчерлик хизмати диспетчери, Хоразм вилояти

**Усмонова Хидоят Нумоновна** — Сергели тумани ободонлаштириш бошқармасининг санитар-тозалаш бўлими ишчиси, Тошкент шаҳри

**Хайдарова Ойдин Нематжон қизи** — Мирзо Улуғбек туманидаги «Олимлар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Халдарова Феруза Мухамад-Алиевна** — Тошкент шаҳар татар жамоатчилик маданий-маърифий маркази раисининг ўринбосари

**Холмирзаева Мавлюда Бузрукходжаевна** — Жалақудуқ тумани хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши тарғибот гуруҳи раҳбари, Андижон вилояти

**Худойназаров Тухта** — Тайлоқ тумани нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Самарқанд вилояти

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

**Ҳамроев Илҳомжон Орзиевич** — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг бош геологи ўринбосари, Навоий вилояти

**Цой Владимир Деневич** — Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг Минерал ресурслар институти бўлим бошлиғи

**Чўтанов Усмон Нафасович** — Мирзаобод тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими ветеринари, Сирдарё вилояти

**Шабанов Александр Валентинович** — «Uzbekistan airways» акциядорлик жамиятининг Парвозлар хизмати департаменти «Боинг-787» ҳаво кемаси командири

**Шадманов Алимджан Тагаевич** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Мис эритиш заводи металлургия цехи бошлиғи, Тошкент вилояти

**Шадманов Ядгархожа Махаматович** — Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси

**Шарипов Равшан Содиқович** — «Ўзтемирйўлқурилишмонтаж» унитар корхонасининг Гидротехник иншоотлар қуриш дирекцияси экскаватор машинисти

**Шоназарова Дилбар Акабоевна** — Пахтакор тумани ҳокимининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Жиззах вилояти

## «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Ажиниязов Байполат Жолдасбаевич** — «Устюрт геофизика экспедицияси» филиали бош механиги, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бабаев Бахром Джалолович** — Ўзбекистон Республикасининг Польша Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси

**Бойматов Исакжон Жалилович** — Олтиариқ туманидаги «Хайрулло Баҳром Бойматов» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Вахобов Маъруфжон Маликович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Габдурахманов Илгиз Каримович** — «Uzbekistan airports» акциядорлик жамиятининг парвозлар хавфсизлиги инспекцияси бошлиғи

**Иминов Абдулвохид Мухиддинович** — Наманган шаҳридаги «Бунёдкор-3» масъулияти чекланган жамияти директори, Наманган вилояти

**Исаев Махмуджон Ниматович** — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири

**Каримов Ғуломжон Хусанбоевич** — Марҳамат туманидаги «Феруз» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

**Курманов Алишер Анварович** — Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси

**Махмуджанов Уктамжон** — «Сўғдиёна бино ва иншоотлардан фойдаланиш» масъулияти чекланган жамияти директори, Жиззах вилояти

**Нурматов Бахтиер Назирович** — «Ангрен иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамиятининг 2-қозон-турбина цехи машинисти, Тошкент вилояти

**Олимов Ботир Комилович** — Шофиркон тумани маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг маслаҳатчиси, Бухоро вилояти

**Очилов Холмат Найимович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг автомобиль транспорти бошқармаси «БелАЗ» ҳайдовчиси, Тошкент вилояти

**Рахимбердиев Хакберди Халикбердиевич** — «Сирдарё иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамиятининг электр цехи чилангари, Сирдарё вилояти

**Рўзиматов Хамдамбой Бойжонович** — Янгиариқ тумани ирригация бўлими гидротехниги, Хоразм вилояти

**Рустамов Нодир Сохибович** — Қарши шаҳридаги «NR Construction and Design» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Тухтаев Ёри Қурбонович** — «Талимаржон иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамиятининг цех смена бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Файзиев Алишер Рахматович** — «Enter Engineering Pte. Ltd.» компаниясининг ишлаб чиқаришга тайёрлаш бўлими бошлиғи

**Файзуллаев Джамал Сабахонович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Файзуллаев Яркун Закириллаевич** — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари — Халқаро ишлар бўлими мудири

**Ходжаева Мохира Мирзахмадовна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси

**Ҳамракулов Дилшод Бегимкулович** — «Фарҳод гидроэлектрстанцияси» унитар корхонасининг смена бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Юлдашев Баходиржан Шакирджанович** — «Unicon.uz» фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказининг ихтисослашган ишлаб чиқариш департаменти бўлим бошлиғи

## «Келажак бунёдкори» медали билан

**Рахмонов Сардоржон Содиқжонович** — Давлатобод тумани «Тадбиркор» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Наманган вилояти

**Хабибуллаев Шерзод Хайрулла ўғли** — «Unicon-Soft» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

## «Жасорат» медали билан

**Бабаджанов Отабек Садуллаевич** — Амударё туманидаги маиший техника таъмирлаш устаси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Дехканбаев Сордарбек Хамидуллаевич** — Ўрта Чирчиқ туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Тошкент вилояти

**Джураев Салим Турапович** — Миробод туманидаги уй жиҳозларини таъмирлаш устаси, Тошкент шаҳри

**Иботов Толибжон Шомирович** — Қарши шаҳридаги «Қарши ҳамкор инвентор» оилавий корхонаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Кадиров Юсуп Носирович** — Самарқанд шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси, Самарқанд вилояти

**Мамажанов Дилмурат Рахимбердиевич** — «Ҳунарманд» уюшмасининг Андижон шаҳар бўлими аъзоси, эсдалик буюмлари ясовчи уста, Андижон вилояти

**Маматова Хикмат Эшбековна** — Гулистон шаҳридаги ҳунарманд-тикувчи, Сирдарё вилояти

**Ниязов Хурсанали Акрамжонович** — Тўрақўрғон туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Наманган вилояти

**Сайфуллаев Баходир Нуруллаевич** — Дўстлик туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Жиззах вилояти

**Сафарбаева Назира Камиловна** — Хоразм вилояти «Меҳр гулшани» ногирон болалар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш жамияти раиси

**Тўхтаева Ражабой Каримовна** — Бойсун туманидаги ҳунарманд-тўқувчи, Сурхондарё вилояти

**Усмонов Азиз Қобилжонович** — Тошлоқ туманидаги хусусий тадбиркор, Фарғона вилояти

**Худойқулов Фарход Бомуллаевич** — «Ҳунарманд» уюшмасининг Ғиждувон тумани бўлими аъзоси, тоштарош уста, Бухоро вилояти

**Юлдошов Ойбек Олтинович** — Навбаҳор туманидаги оилавий тадбиркор, Навоий вилояти

## «Шуҳрат» медали билан (100 ёшдан ошганлар)

**Абдурасулов Абдуллажон** — Асака тумани, Андижон вилояти

**Алламова Қизларгул** — Янгибозор тумани, Хоразм вилояти

**Бекбергенова Базар** — Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси

**Джалилова Хелчахон** — Наманган шаҳри, Наманган вилояти

**Зулимова Суйма** — Зарбдор тумани, Жиззах вилояти

**Қуролов Холмурод** — Данғара тумани, Фарғона вилояти

**Маркабаева Разаван Хасраевна** — Олмалиқ шаҳри, Тошкент вилояти

**Муслимова Хамро** — Қизилтепа тумани, Навоий вилояти

**Олимова Улуғ** — Ургут тумани, Самарқанд вилояти

**Тохиров Шенна** — Шаҳрисабз тумани, Қашқадарё вилояти

**Усаметова Кундуз** — Мирзо Улуғбек тумани, Тошкент шаҳри

**Фозилова Салима** — Шофиркон тумани, Бухоро вилояти

**Хаккулова Янглиш** — Ховос тумани, Сирдарё вилояти

**Холиярова Бибигул** — Ангор тумани, Сурхондарё вилояти

## «Шуҳрат» медали билан

**Абидов Джамшид Камалитдинович** — «Akfa Dream World» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

**Алимухамедов Илхом Мизратович** — Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази лаборатория мудири

**Асатова Лайло Сафаровна** — Когон тумани газ таъминоти бўлимининг газ ускуналарини таъмирлаш хизмати чилангари, Бухоро вилояти

**Бекимбетова Клара Тулегеновна** — Акциядорлик тижорат Халқ банкининг Тахтакўпир филиали етакчи мутахассиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Березуцкая Ксения Юрьевна** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

**Давлятов Рустамжон Анварович** — «Davlatov industries» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри

**Джалилов Дилмурод Сотволдиевич** — «UzAuto Motors» акциядорлик жамиятининг пайвандлаш цехи электр монтёри, Андижон вилояти

**Жамонкулов Акмал Зиядуллаевич** — «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Жанубий кон бошқармаси кончилик бўлими етакчи муҳандиси, Навоий вилояти

**Жуманова Феруза Валижоновна** — Норин туманидаги «Дилизар» деҳқон хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

**Жўраев Хайдар** — Зомин тумани нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Жиззах вилояти

**Исхаков Исохон Тиловевич** — «Самарқандйўлкўкалам» унитар корхонаси кўкаламзорлаштирувчиси, Самарқанд вилояти

**Каримов Фарход Нишонович** — «Uzbekistan airways technics» масъулияти чекланган жамиятининг смена муҳандиси

**Кулманов Дилшод Юлдашевич** — Бектемир туманидаги «Бектемир махсустранс» автотранспорт филиали ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

**Кучкаров Акрам Уразбаевич** — «Ангрен кўмир кони» филиалининг 16-конвейер транспорти участкаси машинисти, Тошкент вилояти

**Мамадаев Шерзодбек Шухратбекович** — Андижон туманидаги «Сапфир садаф сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

**Маматмуротов Шерали Холмўминович** — Бандихон тумани «Обод турмуш» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Сурхондарё вилояти

**Машрапов Хусниддин Турсуналиевич** — Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти докторанти

**Мухиддинова Хулкар Камолдиновна** — Наманган шаҳар ободонлаштириш бошқармаси гулхона бригадаси ишчиси, Наманган вилояти

**Нишаналиева Айшахон** — Юнусобод тумани нуронийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Тошкент шаҳри

**Очилова Инобат Салимовна** — Навбаҳор туманидаги «Очилова Инобат» фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

**Раҳматов Икром Аҳмедович** — Оқдарё туманидаги «Зарафшон ломан парранда» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

**Рўзиқулов Йўлдош Умарович** — «Кўприкқурилиш тpести» унитар корхонасининг 67-кўприкқурилиш отряди монтажчиси

**Сайфитдинова Дилорам Фазлитдиновна** — Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг Наманган вилояти бўлими раиси

**Тошова Гулсум Жумаевна** — Миришкор туманидаги «Янги Миришкор агропилла» масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Қашқадарё вилояти

**Убайдуллаев Эркин Умурович** — «Регионалгеология» давлат унитар корхонасининг Марказий Ўзбекистон геологик тасвирлаш дала экспедицияси бурғилаш қурилмаси машинисти

**Урунов Юсубжон Юлдашович** — Олот туманидаги «Олот агросервис МТП» масъулияти чекланган жамияти комбайн оператори, Бухоро вилояти

**Фозилов Хайдар Инамович** — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи

**Хакимова Матлуба Хакимовна** — Зафаробод тумани агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси, Жиззах вилояти

**Хасанов Баходир Буранбаевич** — «Қуюв-механика заводи» шўъба корхонасининг қуюв цехи металл қуювчиси, Тошкент шаҳри

**Ходжабеков Нуриддин Султанмурадович** — Сирдарё туманидаги «Султон» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

**Хусанов Турсункул Муратбекович** — Сирдарё тумани «Ҳикматли» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси, Сирдарё вилояти

**Ҳасанова Мавжуда Ғаниевна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси

**Юлдашова Комила Қаршиевна** — Яккабоғ туманидаги «Комила Қаршиевна» хусусий биолабораторияси раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Юсупов Иззатилло Аҳмадович** — Ғиждувон давлат ўрмон хўжалигининг кўчатчилик бўлими ўрмонбегиси, Бухоро вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 29 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

## II даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Базарбаев Заирджан Гулимматович** — Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари

**Курбанов Исмаил Худайназарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Сормонкулов Адхамжон Райимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг ўринбосари

**Юлдашев Эркин Туракулович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари

## «Дўстлик» ордени билан

**Гафуров Аскаржон Бойисович** — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари

**Ким Оксана Рудолфовна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали тиббиёт ҳамшираси

**Мадреймов Саламат Кубейсинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Хакимов Ринат Фидаилович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи

## «Мардлик» ордени билан

**Абдураҳмонов Рафик Фахриддинович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси отряд командири

**Зайниддинов Хумоюн Аловиддин ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқармаси офицери

**Избасаров Бахтжан Алмаханович** — Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари — жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи

**Тўлаев Фарҳодбой Файзибоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Тураходжаев Нажмиддин Садирович** — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари

**Хакимов Мухаммадбобир Сайфидинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Элмуродов Ҳусниддин Холмуминович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

## II даражали «Саломатлик» ордени билан

**Алиханов Пирназар Буранович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бўлим бошлиғи

**Харина Любов Вениаминовна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали врач-анестезиолог-реаниматологи

**Шакаров Анвар Долиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бошлиғининг ўринбосари

## «Жасорат» медали билан

**Артиков Сапарбек Жумабаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус қабулхонаси бошлиғи

**Аскаров Дилмурод Умаралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий қисм командири

**Атахонов Баходир Махмуджонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Бабаев Алибек Адилбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ взводи мутахассиси

**Булаков Жахонгир Асрол ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Ғоффоров Улуғбек Рустамали ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлим катта офицери

**Дадаханов Шавкат Шакирович** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси бошқарма бошлиғи

**Дарханов Мадрахим Абдукаримович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Имомов Собир Туракулович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Сурхондарё вилояти бўйича махсус отряди гуруҳ командири — бош мутахассис

**Исраилов Хамза Хаким ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Карабаев Анвар Абдугаппарович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси отряд командири

**Рахмонов Илхом Бозорбой ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ ҳайдовчиси

**Тўраев Хуршид Абдикаримович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги эскадрильяси звено командири

**Турапов Исомиддин Намазович** — Самарқанд вилояти Божхона бошқармаси "Улуғбек" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости бошлиғи

**Турсунбаев Максат Уразбай ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бўлими қўриқлаш маркази ходими

**Якубов Азамат Уралбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод мутахассиси

## «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Абдуллаев Муродилла Рахматуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Алимов Мурадбек Раджабович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони сафдор-ходими

**Алияров Раим Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари мутахассиси

**Алмамедов Улугбек Алиджанович** — Тошкент шаҳар маъмурий судининг раиси

**Бобонов Хасан Алишерович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Махсус ёнғин-қутқарув бошқармаси бошлиғи

**Бозоров Ғолибжон Алижонович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари хизмат бошлиғи

**Ботиров Нодир Нормуминович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командири

**Бўриев Хайрулла Рахимбердиевич** — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар прокурори

**Джубанишев Жанибек Аязбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Нукус шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

**Жумаев Ҳамдам Панжиевич** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони сафдор ходими

**Зупаров Санжар Тахирович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи

**Кодиров Зокир Кузиевич** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги Тергов бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси

**Курбанов Хамидулла Сераббоевич** — Тошкент шаҳар Яшнобод тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори

**Маматкулов Улуғбек Искандарович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти йўловчилар поездларини кузатиш батальони сафдор ходими

**Маматқулов Сардоржон Жуманиёзович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командири

**Маматқулова Сурайёхон Қодиралиевна** — Андижон вилояти Шаҳрихон тумани ички ишлар бўлими хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори

**Махаммадиев Эшбек Аширович** — Жиззах вилояти Адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Мусаева Гулрух Икрамовна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бош тиббиёт ҳамшираси

**Мустафаева Шириной Фарходжоновна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Фарғона "Темурбеклар мактаби" ҳарбий академик лицейи психологи

**Насилоев Комил Пўлотович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм секция командири

**Насритдинов Чорикули Рахматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти кафедраси доценти

**Нурматов Исроилжон Ибраимжонович** — Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

**Расулов Абдилло Сайфиллоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ катта мутахассиси

**Рахимов Наримон Иброхимович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғи

**Рахимов Шерзод Бахтиёрович** — Наманган вилояти Уйчи тумани прокурори

**Сабиров Курбанбай Тангирбергенович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм тиббиёт пункти фельдшери

**Саттаров Диёрбек Нематжонович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаменти бошқарма бошлиғи

**Саттаров Фуркат Аблфатович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи

**Тоштуров Вохид Эшонкулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ командири ўринбосари

**Тўраев Шавкат Шоназарович** — "Ислом Каримов номидаги "Тошкент" халқаро аэропорти" чегара божхона пости бошлиғи

**Турсунов Камариддин Гуломович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командири

**Тухтасинова Шахло Ахмаджоновна** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари мутахассиси

**Усмонкулов Икромжон Холбутаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ командири ўринбосари

**Хайтматов Зиёвуддин Хакимович** — Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Олмазор тумани фавқулодда вазиятлар бўлими инструктор-қутқарувчиси

**Хатамов Жахонгир Жураевич** — Самарқанд вилояти прокурори

**Ходжаев Шухрат Нигматуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Юсупхонов Махмуд Каримжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

## «Шуҳрат» медали билан

**Абдуллаев Обиджон Хайитович** — "Навоий кон-металлургия комбинати" Давлат корхонаси "Марказ" кон бошқармаси ёнғин қутқарув қисми ҳайдовчи-қутқарувчиси

**Бахрамов Зокиржон Исмоилович** — Наманган вилояти Косонсой тумани ички ишлар бўлими бўлинма бошлиғи

**Бобоқозиев Жанобиддин** — Фарғона вилояти Сўх тумани давлат солиқ инспекцияси бош инспектори

**Вахидов Бахтиёр Мухаммаджонович** — Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

**Жумаев Шухрат Аллабердиевич** — Сурхондарё вилояти Шеробод тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

**Қиличов Ойбек Рахимбоевич** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**Махсудов Одилжон Арифжанович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси кафедраси катта ўқитувчиси

**Меккамов Бекзод Шавкатович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмат бошлиғи

**Мўминов Баҳодир Исмоилович** — Самарқанд вилояти Жомбой тумани ички ишлар бўлими катта тезкор вакили

**Муратов Нурали Бурханович** — Жиззах вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси гуруҳ командири

**Муродов Бахтиёржон Баходирович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси дастлабки тергов ва криминалистика кафедраси бошлиғи

**Низамутдинова Гулнора Ибадуллаевна** — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи

**Нуркобилов Отабек Йўлдошевич** — Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Термиз шаҳри фавқулодда вазиятлар бўлими йўриқчи-қутқарувчиси

**Пардаева Гулрух Буриевна** — Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири ўринбосарининг таъминот гуруҳи бошлиғи

**Саламов Бахром** — Тошкент шаҳридаги "Sanktaleks" адвокатлик фирмаси адвокати

**Сафаров Ислом Тешаевич** — Бухоро вилояти Бухоро шаҳар давлат солиқ инспекцияси давлат солиқ катта инспектори

**Тожиев Тулқин Химматович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари катер командири

**Тошхўжаев Ўткирбек Аминжонович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Фарғона вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи

**Умаров Бахтиёржон Махмудович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командири

**Умарова Зилола Умар қизи** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар бўлими давлат ижрочиси

**Усманов Фозилжон Кувандикович** — Навоий вилояти Конимех тумани давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

**Халбаев Хуршид Холжигитович** — Сурхондарё вилояти Божхона бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Хожиматова Хуршида Абдуллаевна** — Андижон вилояти Божхона бошқармаси "Дўстлик" чегара божхона пости катта инспектори

**Шерлиев Муродбек Атабекович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлим бошлиғи

**Эргашева Гузалхон Саидаминовна** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчиликни тизимлаштириш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси бош маслаҳатчиси

**Эшназаров Муродқосим Хамзаевич** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 29 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Фуат Октай** — Туркия Республикаси Вице-Президенти

**Мантуров Денис Валентинович** — Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси ўринбосари — саноат ва савдо вазири

**Холид Абдулазиз ал-Фалиҳ** — Саудия Арабистони Подшоҳлиги Инвестициялар вазири

**Муҳаммад бин Абдулла ал-Гаргавий** — Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумат ишлари бўйича вазири

**Люк Девин** — Европа ташқи алоқалар хизмати Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича бошқарувчи директори ўринбосари

**Ван Яньчжи** — Ипак Йўли Жамғармаси президенти — Директорлар кенгаши ижрочи директори (Хитой Халқ Республикаси)

**Дэниел Розенблюм** — АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси

**Гулиев Гусейн Рзагулу ўғли** — Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси

**Черникова Алевтина Анатольевна** — Россия Федерациясининг «МИСиС» миллий технологик тадқиқотлар университети ректори

**Малышев Владимир Сергеевич** — Бутунроссия давлат кинематография институти ректори

**Трегулова Зельфира Исмаиловна** — Третьяков Давлат галереяси Бош директори (Россия Федерацияси)

**Зиядуллаев Наби Саидкаримович** — Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий маслаҳатчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 29 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, СПОРТ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ СОҲАЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

## «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвони билан

**Халмурадов Рустам Ибрагимович** — Самарқанд давлат университети ректори

**Эгамбердиев Шухрат Абдуманнапович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Астрономия институти директори

## «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси» фахрий унвони билан

**Анваров Исмоил Бойқулович** — Бандихон туманидаги 17-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси, бахши, Сурхондарё вилояти

## «Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми» фахрий унвони билан

**Ахмадалиев Файзуллахан** — Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, рассом

**Исмаилов Бобир Абдурахимович** — Тошкент шаҳридаги «Caravan Group» масъулияти чекланган жамияти рассоми

## «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвони билан

**Иноятов Джуракул Бахритдинович** — Самарқанд шаҳридаги «Усто» шўъба корхонаси бадиий раҳбари, Самарқанд вилояти

**Камалов Шокир Шарифович** — Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, темирчи уста, Бухоро вилояти

**Рахимов Тохир Ахмедович** — Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, тоштарош уста, Навоий вилояти

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан

**Акбаров Хамидулла Илясович** — Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси аъзоси, киношунос

**Дадабаев Хамидулла Арипович** — Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ўзбек филологияси факультети тил назарияси кафедраси профессори

**Исомов Боходиржон Сирожиддинович** — Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабининг адабиёт фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Исхаков Мирсадик Мирсултанович** — Тошкент давлат шарқшунослик университетининг манбашунослик ва тасаввуф герменевтикаси кафедраси мудири

**Умурзаков Уктам Пардаевич (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Олий таълим Кенгаши собиқ раиси, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг собиқ ректори

**Худайберганов Камилжон** — «Ичан-қалъа» давлат музей-қўриқхонаси илмий котиби, Хоразм вилояти

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони билан

**Мамажонов Турсунали** — Фарғона туманидаги «Водил чинори» халқ дорбозлик жамоаси бадиий раҳбари, Фарғона вилояти

**Филанович Маргарита Ивановна** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Миллий археология маркази етакчи илмий ходими

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони билан

**Арипова Тамарахон Ўктамовна** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Иммунология ва инсон геномикаси институти директори

**Зуфаров Миржамол Мирумарович** — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг юқори технологиялар бўйича ўринбосари

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан

**Кападзе Тимур Тахирович** — Футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ва «Олимпик» футбол клуби бош мураббийси

**Муминов Владимир Мурзанович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти ходимлари касаба уюшмаси Кенгашининг жисмоний тарбия ва спорт бўлими мураббийси

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони билан

**Забелинская Ольга Сергеевна** — Спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг велоспорт бўлими спортчиси

Халқимизнинг илмий-интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, адабиёт, санъат, жисмоний тарбия ва спорт соҳалари ҳамда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасида эришаётган юксак натижалари, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, жамиятда тинчлик ва тотувлик, ижтимоий-маънавий барқарорликни таъминлаш, ёш авлодни юксак ғоялар руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда жамоат ишларидаги кўп йиллик самарали иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

## «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

**Раджабов Хасан Юнусович** — Юнус Ражабий уй-музейи директори

**Утаганов Юлбарс Хажиматович** — Избоскан туманидаги «Утаганов Юлбарс» оилавий корхонаси раҳбари, Андижон вилояти

**Юсупов Шарофидин Исомидинович** — Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, кулол, Фарғона вилояти

## «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Матякубов Атахан** — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг достон ижрочилиги кафедраси доценти

## «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Абдуллаев Рамазон Бобомуродович** — Бойсун туманидаги 53-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Абдуллаев Рустам** — Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси

**Абдуллаев Фатхулла Хабибуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Физика-техника институти бош илмий ходими

**Бабаева Кубара** — Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, кулол, Бухоро вилояти

**Искандаров Бўри** — Касби туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Исроилов Барот** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, Тошкент вилояти

**Ниёзов Сойибжон Наврузович** — Тошкент вилояти намунали «Мақом» ансамбли хонандаси

**Тураев Исок Латипович** — Қашқадарё вилояти маданият бошқармаси бошлиғи

**Умарова Дилором Кучкаровна** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фахрийси

**Усманов Азиз Магдалиевич** — «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университетининг технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш кафедраси профессори

**Файзулаев Саидбахрам** — Ғаллаорол тумани маданият бўлимига қарашли «Маржон» фольклор-этнографик халқ ансамбли бадиий раҳбари, Жиззах вилояти

**Хатамова Ёркиной Ғаниевна** — Фарғона вилояти мусиқали драма театри актёри

**Хасанов Бахтиёр Вахапович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи директори

## «Дўстлик» ордени билан

**Абдукундузова Валентина Николаевна** — Ўзбек Миллий академик драма театри грим устахонаси мудири

**Абдуллаева Мехрижон Кабировна** — Наманган вилояти мусиқали драма театри актёри

**Абдурахманов Сайиб** — Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг Олмалиқ филиали металлургия кафедраси профессори

**Азаматова Карима Набиевна** — Гулистон шаҳар кўзи ожизлар маданият марказининг Брайль ёзуви бўйича тўгарак раҳбари, Сирдарё вилояти

**Ансатбаев Нажиматдин** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиалининг режиссёрлик ва актёрлик маҳорати кафедраси профессори

**Астафурова Наталья Константиновна** — Янгиер шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар мактаби директори, Сирдарё вилояти

**Бекназаров Тургун Саидович** — Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри солист-вокалисти

**Бердимуратова Алима Карлибаевна** — Қорақалпоқ давлат университетининг ижтимоий фанлар кафедраси мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бухаидзе Игор Шалвович** — Ўзбекистон давлат мусиқали комедия (оперетта) театри актёри

**Зайнидинов Сирожиддин Савранбекович** — Халқаро шахмат академияси мураббийси

**Казаков Виктор Тимофеевич** — Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактаби ўқитувчиси

**Катаева Вера Сергеевна** — Қарши шаҳар болалар-ўсмирлар спорт мактабининг бадиий гимнастика бўйича мураббийси, Қашқадарё вилояти

**Каттаев Комилхон Салоҳиддинович** — Махдуми Аъзам илмий-тадқиқот фонди раҳбари, Самарқанд вилояти

**Кудбиев Давлатбай** — Фарғона политехника институтининг бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси профессори, Фарғона вилояти

**Литвиненко Ирина Анатольевна** — «Ўзбекфильм» киноконцерни» давлат унитар корхонаси либослар бўйича постановкачи рассоми

**Мадрахимова Зиёда Убайдуллаевна** — Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» давлат рақс ансамбли бадиий раҳбари

**Маликов Рашид Каримович** — «Ўзбекфильм» киноконцерни» давлат унитар корхонаси постановкачи режиссёри

**Муллаханов Азим Азизович** — «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси хонандаси

**Мусабаев Хусан Касимович** — «Маҳалла» телерадиоканалининг «Телевизион миниатюралар театри» актёри

**Нуратдинова Замира Калбаевна** — Қорақалпоғистон Республикаси лепрозорийси бош шифокори

**Пирматов Серик** — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг амалий графика кафедраси доценти

**Прекешова Анаргул Усеновна** — Мўйноқ туманидаги 7-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Пржанов Турсунбай Марибжанович** — Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри солист-вокалисти

**Самадов Рахматулла Сунатуллаевич** — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг мақом чолғу ижрочилиги кафедраси доценти

**Сотникова Татьяна Николаевна** — В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабининг махсус фортепиано бўлими ўқитувчиси

**Ташкенбаева Неля Валиахмедовна** — театр ва кино актёри, дубляж устаси

**Темиров Амиржон Бобоавезович** — Сўх туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактаби директори, Фарғона вилояти

**Тошев Даврон Бўронович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, миниатюрачи рассом, Бухоро вилояти

**Туйчиева Сайёра Суярқуловна** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Тураев Юнус Шарипович** — Ўзбекистон давлат консерваториясининг эстрада хонандалиги кафедраси профессори

**Убайдуллаев Рахим Кутфидинович** — Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, пичоқчи уста, Наманган вилояти

**Ўнаров Собир Ҳамзаевич** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

**Усманов Юлдаш** — «Булбулигуё» фольклор-этнографик халқ ансамбли аъзоси, Сурхондарё вилояти

**Файзуллаева Элмира Тулкуновна** — Сув спорти турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг синхрон сузиш бўлими мураббийси

**Хайретдинова Фарида Фаритовна** — Андижон олимпия ва паралимпия захиралари коллежининг волейбол бўйича мураббийси, Андижон вилояти

**Хакимджонов Хатам Халилович** — Ўзбек миллий мақом санъати маркази ҳузуридаги Марғилон шаҳар мусиқали мақом театри артисти, бадиий сўз устаси, Фарғона вилояти

**Хамзаев Фахритдин Кутфутдинович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганч ўймакорлиги устаси, Тошкент шаҳри

**Шукуров Эшқабил Жураевич** — «Маънавий ҳаёт» журнали бош муҳаррири

**Эргашов Жалил Умарович** — Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, хаттот, Самарқанд вилояти

**Юлдашова Нозик Абдусаломовна** — Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, каштадўз, Самарқанд вилояти

**Юсупова Венера Исметовна** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг қўғирчоқ театри санъати кафедраси доценти

## II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Ахмедова Мамагул Файзиевна** — Қарши туманидаги «Момогул» фольклор-этнографик халқ ансамбли аъзоси, Қашқадарё вилояти

**Ешимбетова Айдин Ибадуллаевна** — Ўзбекистон давлат хореография академиясининг хореография кафедраси катта ўқитувчиси

**Камалов Жамалиддин Сайфитдинович** — Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори, Тошкент шаҳри

**Маматкулов Абдулхамид** — Гулистон ихтисослаштирилган санъат мактабининг халқ чолғулари кафедраси олий тоифали ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Салимова Нигора Абдулкаримовна** — Учтепа туманидаги 107-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

**Соломонова Светлана Андреевна** — Олмалиқ шаҳридаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Сохибова Махсуда Мамадиёровна** — Самарқанд вилояти Болалар уйи бош шифокори

**Тоғаева Адолат** — Нуробод туманидаги «Тегирмонбоши» маҳалла фуқаролар йиғини кутубхонаси мудири, Самарқанд вилояти

**Умбаров Салим Шукурович** — Фарғона вилояти спортнинг яккакураш турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг камондан ўқ отиш бўйича мураббийси

**Холматова Мавлудахон Турсуновна** — Андижон туманидаги 7-мусиқага ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Холмуратова Одинахон Мамитовна** — Жалақудуқ туманидаги 12-мактабгача таълим муассасаси директори, Андижон вилояти

**Чепрунова Любовь Николаевна** — Республика олий ўсмирлар спорт маҳорати мактабининг енгил атлетика бўйича мураббийси

**Шакиров Роман Илдарович** — Спорт яккакурашлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг самбо бўлими катта мураббийси

**Юсупов Норкули Турсунович** — Ўзбекистон бел олиш ва учкураш ассоциацияси раиси

## II даражали «Саломатлик» ордени билан

**Нариев Эдуард Устемирович** — Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий марказининг Жиззах филиали бош шифокори

**Нурова Зоя Рамазановна** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиалининг тез тиббий ёрдам бўлими мудири

**Стригина Зарема Суббиевна** — Тошкент вилоятидаги «Металлург» шифохонаси бош шифокори

**Суярова Нурия Эгамбердиевна** — Деҳқонобод тумани тиббиёт бирлашмасининг неврология бўлими мудири, Қашқадарё вилояти

**Юсупалиев Баходир Кахраманович** — Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи

## «Соғлом турмуш» медали билан

**Артукбаева Нигора Наркўзиевна** — Гулистон шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 3-оилавий поликлиникаси умумий амалиёт шифокори, Сирдарё вилояти

**Баратова Шаҳзода Абдуллажоновна** — Косонсой туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Рахмонова Гавхар Абдулазизовна** — Наманган тумани тиббиёт бирлашмасининг 12-оилавий поликлиникаси тиббий бригада ҳамшираси, Наманган вилояти

## «Келажак бунёдкори» медали билан

**Базаров Ойбек Суннатович** — Навоий вилояти кўзи ожизлар махсус кутубхонаси услубчиси

**Гизатуллина Алина Альбертовна** — «Оммавий халқ байрамлари» масъулияти чекланган жамияти қошидаги «Ёшлар балети» гуруҳи артисти

**Хамдамова Сабина Уткуровна** — Ўзбекистон давлат филармониясининг давлат хор капелласи артисти

**Хошимов Даврон Ислом ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги «Ўзбекистон давлат симфоник оркестри» давлат муассасаси артисти

**Шерметова Сабохат Бардибой қизи** — Хива шаҳар маданият бўлимига қарашли «Сайқал» фольклор-этнографик халқ ансамбли тўгарак раҳбари, Хоразм вилояти

## «Шуҳрат» медали билан

**Абдурахмонова Мехри Қудратовна** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Жиззах вилояти бўлими раҳбари, шоир

**Агажанова Назира Набиевна** — Фарғона вилояти «Мурувват» ногиронлиги бўлган болалар учун интернат-уйи санитар-энагаси

**Азимов Маъруф Махмудович** — Ўзбекистон давлат филармониясининг «Наврўз» ашула ва рақс ансамбли созандаси

**Алимарданов Рустам Ғайратович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**Алимова Нигора Исраиловна** — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги «Меҳрли мактаб» давлат таълим муассасаси директори

**Асадов Мансур Мирджамолович** — Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, ёғоч ўймакорлиги устаси, Самарқанд вилояти

**Жонибеков Зиёдулло Тоштемирович** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг ахборот узатиш хизмати бошлиғи

**Изамов Джамшид Анварович** — «Ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси» давлат унитар корхонаси овоз режиссёри

**Исламов Наримон Кабулжанович** — Ўзбекистон Республикаси Болалар миллий тиббиёт марказининг 2-кардиохирургия бўлинмаси мудири

**Қурбонов Қўчқор** — Чироқчи туманидаги «Чироқчи чироқлари» фольклор-этнографик халқ ансамбли бадиий раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Мамадалиева Саида Фармановна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**Мансуров Фуркат Хуснутдинович** — Республика «Усто» уюшмаси таркибидаги «Тошкент бадиий керамика тажриба комбинати» масъулияти чекланган жамияти раҳбари

**Мирзаахмедов Расулжон Тургунбаевич** — Республика «Ҳунарманд» уюшмасининг Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи, мато тўқувчи уста

**Мирмахмудова Камола Мирнигматовна** — Олмазор туманидаги 522-ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаси логопеди, Тошкент шаҳри

**Назаров Бахромжон Бахтиёрович** — «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси хонандаси

**Раимова Феруза Баходиржоновна** — Тошкент шаҳридаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган болалар учун 1-интернат-уйи тарбиячиси

**Рузметов Алишер Ганиевич** — Ўзбекистон давлат филармониясининг «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли хонандаси

**Самандарова Сайёра Эркиновна** — Урганч шаҳар ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси, Хоразм вилояти

**Тоғоев Махмуд Абдуллоевич** — Навоий олимпия ва паралимпия захиралари коллежининг оғир атлетика бўйича мураббийси

**Тоҳиров Ҳамза Бобожонович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тасарруфидаги Шофиркон тумани ахборот-кутубхона маркази директори, Бухоро вилояти

**Умаров Анваржон Абдурасулович** — Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, бешикчи уста, Андижон вилояти

**Ўринова Махфуза Махамматсалимовна** — Марҳамат туманидаги 3-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори, Андижон вилояти

**Хайдаров Руслан Ражабович** — «Дийдор» ёшлар экспериментал театр-студияси давлат муассасаси саҳналаштирувчи режиссёри, Тошкент шаҳри

**Хидирова Баҳор Ҳазратқуловна** — «Янги Ўзбекистон» газетаси мухбири

**Холмуминов Асқар Сайфуллаевич** — Ўзбек Миллий академик драма театри бош режиссёри

**Эшонова Салимахон Нишонбек қизи** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти бўлим бошлиғи

**Ювакаева Инесса Маратовна** — «Ичан-қалъа» давлат музей-қўриқхонаси экскурсоводи, Хоразм вилояти

**Юнусов Акрамхон Хакимжонович** — Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, кандакор, Фарғона вилояти

**Яқубов Икрамбай Ўринович** — Хонқа тумани санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлими мудири, Хоразм вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 29 август

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ РИВОЖИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Нуриддинжон ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери.

***Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллиги «Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз» деган бош ғоя асосида кенг нишонланмоқда. Ушбу ғоя замирида чуқур маъно бор. Зеро, сўнгги йилларда «инсон — жамият — давлат», «давлат — инсон учун», «инсон қадрини улуғлаш», «инсон қадри учун» каби тамойил ва тушунчалар реал ҳаётимизга чуқур кириб бормоқда.***

***Мустақиллик шукуҳи кезиб юрган айни дамларда қайси соҳа ёки тармоқда бўлмасин, амалга оширилаётган кенг кўламлиислоҳотларнинг тагзамирида инсон қадрини улуғлаш, халқимизни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш мақсади турганига барчамиз гувоҳ бўляпмиз.***

***Эришилаётган ютуқлар ва марраларни таҳлил қилар эканмиз, мамлакатимиз Президентининг давлат ва жамият ҳаётига дахлдор ҳар қандай масалани, энг аввало, халқимизнинг фикри, талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда ҳал этишга қаратилган иш услуби бугун ўзини тўла оқламоқда, деб ишонч билан айта оламиз. Зеро, бугун «маҳаллага тушиш», «халқ ичига кириш, унинг дардига қулоқ солиш», «ташвишига шерик бўлиш», «муаммоларни жойида ҳал этиш» каби тамойиллар барча давлат хизматчилари фаолиятида асосий мезонга айланди.***

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар натижадорлиги **жойларга чиқиб ўрганилмоқда,** турли соҳа вакиллари билан **очиқ мулоқотлар ўтказилмоқда**.

Хусусан, **соғлиқни сақлаш** соҳаси вакиллари, **ёшлар** ва **тадбиркорлар** билан очиқ мулоқотлар ўтказилди. Ушбу учрашувларда соҳани ривожлантириш бўйича долзарб масалалар муҳокама қилинди. Тиббиёт ходимлари, ёшлар ва тадбиркорларнинг **таклифлари эшитилди**. Уларни ўйлантираётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан **муҳим ташаббуслар** илгари сурилди.

Албатта, бу каби очиқ мулоқотлар барча соҳа ва тармоқлардаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш, тизимли муаммоларни бартараф этиш, долзарб масалаларга ўз вақтида ечим топишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган **2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси** доирасида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Мамлакатимиздаги тизимли ижобий ўзгаришларнинг асосий ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилган **Ҳаракатлар стратегияси** доирасида ҳар йили қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилган давлат дастурларининг ижроси натижасида **Янги Ўзбекистон пойдеворининг тамал тоши қўйилди**.

Ҳаракатлар стратегияси асосида тўпланган тажрибалардан келиб чиқиб, **2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси** ишлаб чиқилди ҳамда унда яқин ва ўрта истиқболда Ўзбекистоннинг ривожланиш тенденциялари қандай бўлиши, бу борадаги устувор йўналишлар ва мақсадлар кўзда тутилган.

**Тараққиёт стратегияси «Инсон қадри учун»** тамойили асосида аҳоли фаровонлигини янада оширишда, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ривожланишида, мамлакатимизни модернизация қилишда ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Келгуси беш йилликнинг бош муҳим ҳужжати саналган **Тараққиёт стратегиясида** белгиланган халқпарвар давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини янада самарали таъминлаш каби мақсадлар мамлакатимиздаги туб ислоҳотларга мос **янги конституциявий-ҳуқуқий маконни яратиш** заруратини юзага келтирди.

Ўтган йили бўлиб ўтган **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови** жараёнида кенг жамоатчилик томонидан **Бош қомусимизга** ўзгартишлар киритиш, уни **бугунги кун талаблари** даражасига олиб чиқиш борасида кўплаб **таклифлар илгари** сурилган эди. Булар халқимизнинг мамлакатда бўлаётган кенг кўламли ўзгаришларга **бефарқ эмаслигини**, ислоҳотларнинг **фаол иштирокчиси** бўлишга интилаётганлигини яққол кўрсатди.

Конституциявий ислоҳотларни ўтказиш билан боғлиқ ишларнинг самарали ва пухта амалга оширилишини таъминлаш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Конституциявий комиссия** тузилди.

Конституциявий ислоҳотларга доир тадбирлар мамлакатнинг **барча ҳудудида**, аҳолининг ҳамма қатламларини қамраб олган ҳолда, **очиқ-ошкоралик принциплари** асосида ташкил қилинмоқда. Депутатлар **сайлов округларидаги фаолияти**, ҳудудлардаги учрашувлари ва аҳоли билан олиб борилган **тўғридан-тўғри мулоқотлари давомида** конституциявий ислоҳотларнинг **мазмун-моҳиятини халқимизга** етказмоқдалар.

Тараққиёт стратегияси доирасида **давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш** борасида амалга оширилган ислоҳотлар Олий Мажлис палаталари фаолиятида ҳам муайян ижобий натижаларга эришилиши учун замин яратди.

Ўтган қисқа даврда **халқ сайлаган вакиллик органлари** — парламент ва халқ депутатлари Кенгашларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий **ҳаётидаги ўрни** ва **аҳамияти** тубдан ўзгарди.

## Қонун ижодкорлигида ҳаётий ва халқчил тамойиллар устувор аҳамият касб этмоқда

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида норма ижодкорлиги соҳасида ўта долзарб вазифалар турганлигини назарда тутиб, қуйи палатанинг қонун ижодкорлиги борасидаги **ишининг сифатини янада оширишга** катта эътибор қаратилмоқда.

**«Қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт»** деган устувор тамойил асосида норма ижодкорлигига **илгари мавжуд бўлмаган** қатор **янги демократик тартиб-қоидалар** киритилди.

Жумладан, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида **амалдаги қонунларга ўзгартиш** ва **қўшимчалар киритиш ҳолатлари ортиб** бормоқда. Бундай қонунларнинг асл мазмун-моҳиятини содда ва тушунарли тарзда аҳолига етказиш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти вакиллари томонидан нормаларни тўғри қўллаш ва талқин қилинишини ташкил этиш мақсадида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хусусиятидаги қонунларнинг **кириш қисмида** уларнинг **мазмун-моҳиятини, масаланинг долзарблигини очиб берувчи муқаддималарни баён этиш амалиёти** жорий этилди.

Бу эса ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган қонуннинг **фуқароларга**, **қонунни қўлловчиларга** содда ва халқчил тилда тушуниш имконини бермоқда.

Миллий қонунчиликни тизимлаштириш ва ривожлантириш мақсадида **янги таҳрирдаги қонун ўрнига янги** қонунни қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Бу қонунчилик базасининг тизимлилигини ва комплекслилигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Қонунчилик палатаси ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича холис баҳс-мунозара ва тортишувлар майдонига, чинакам **«демократия мактаби»**га айланиб бормоқда. Қонун лойиҳалари муҳокамасида ташаббускор идоралар вакиллари билан бирга **соҳа экспертлари** ва **мутахассислари** фаол иштирок этиб, уларга ўз фикрларини билдиришлари учун барча имконият яратилмоқда.

Қонун лойиҳалари қуйи палатага киритилгунига қадар халқ муҳокамасига қўйилмоқда ва улар юзасидан аҳолининг муносабати ҳар томонлама ўрганилмоқда. Кенг оммани жалб қилишнинг замонавий усуллари, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилиб, **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали** (regulation.gov.uz) фаолияти йўлга қўйилган.

Шу билан бирга Қонунчилик палатасида ҳам қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш жараёнида кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш, бунда фуқароларнинг хоҳиш-истакларига қулоқ тутиш, аҳоли ўртасида очиқ муҳокамалар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Қонунчилик палатаси томонидан **қонун лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш бўйича алоҳида тартиб** қабул қилиниб, қонун лойиҳалари жойларда сайловчилар муҳокамасидан доимий равишда ўтказилмоқда.

Бугунги кунда Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги фаолияти кўлами ҳам, иш ҳажми ҳам юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг бўлмоқда. Жумладан, 2016 йилда **19 та** қонун қабул қилиниб, Сенатга юборилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич **49 тани** ташкил этгани сўзимиз тасдиғидир.

Қонун лойиҳаларини кўпроқ Қонунчилик палатасидаги **сиёсий партиялар фракциялари ва қўмиталарида муҳокама қилиш** амалиёти қарор топмоқда. Ушбу амалиёт қонун лойиҳаларини ташаббускор субъект вакиллари, мутасадди идоралар мутахассислари ва экспертлар иштирокида ҳар томонлама кўриб чиққан ҳолда маромига етказишда, шу жумладан, қабул қилинаётган **ҳуқуқий ҳужжатларда сайловчилар манфаатларини янада тўлиқ ифодалашда** ҳамда ушбу **қонунларни ҳаётга самарали жорий қилишда** муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни вақтда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидан келиб чиқиб ўтказилаётган ислоҳотлар доирасида бутун бир соҳани тартибга солувчи қонунчилик жараёнлари қайта кўриб чиқилмоқда ва қатор яхлит қонунлар қабул қилинмоқда.

Хусусан, **«Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»**ги, **«Реклама тўғрисида»**ги, **«Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»**ги, **«Почта алоқаси тўғрисида»**ги, **«Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»**ги, **«Давлат қарзи тўғрисида»**ги, **«Давлат мулкини бошқариш тўғрисида»**ги каби қонунлар шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, маъмурий тартиб-таомилларнинг ягона ҳуқуқий асосларини белгилаб бериш мақсадида ишлаб чиқилиб, қабул қилинган «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонуннинг қўлланилиш соҳаси кенгайтирилди. Унинг пенсия, солиқ, божхона, давлат назорати, ер участкаларини ажратиш ва олиб қўйиш соҳаларига татбиқ этилиши аниқ белгиланди.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида **мансабдор шахсларга ўзбошимчалик билан қарор қабул қилишни тақиқлаш**, қонун ҳужжатларида мавжуд бўлган **ҳуқуқни қўллашнинг рад этилишига йўл қўймаслик** каби **янги принциплар** киритилди. Фуқаролар давлат органининг қарорлари ва ҳаракатларининг қонунийлигидан келиб чиқиб иш тутишлари мумкинлиги белгиланди. Давлат органи қарор қабул қилишда хатога йўл қўйса, бунинг натижасида фуқаро учун салбий оқибатлар келиб чиқмаслигини таъминлайдиган нормалар билан тўлдирилди.

Шунингдек, ушбу Қонун билан **«умумий вакил» институти** киритилди. Эндиликда битта мурожаат бўйича 50 ва ундан ортиқ фуқаролар иштирок этаётган бўлса, улар томонидан умумий бир нафар вакил тайинланиши мумкинлиги, маъмурий иш чўзилиб кетишининг олдини олиш мақсадида барча жараён битта мажлис давомида амалга оширилиши белгиланди.

«Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунда ер участкаларининг компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши, **мулк ҳуқуқининг устуворлиги**, хусусий мулкнинг **дахлсизлиги**, олиб қўйилган ер участкасидан мақсадли фойдаланилиши, қонунийлик, очиқлик ва шаффофлик, **компенсациянинг кафолатланганлиги** каби **принциплар** аниқ белгиланган.

Норма ижодкорлиги бугунги ислоҳотларни рўёбга чиқаришнинг асосий омили эканлигидан келиб чиқиб, уни янада такомиллаштириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, қабул қилинаётган қонунларнинг ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиши халқимиз фаровонлигини оширишга, ҳуқуқ ва эркинликларини янада тўлақонли таъминлашга хизмат қилади.

## Таъсирчан парламент назорати ислоҳотлар самарадорлигини таъминламоқда

Ўтган даврда Қонунчилик палатаси ўзининг назорат-таҳлил фаолиятини ташкил этишда, биринчи навбатда, **Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида**, «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» **Давлат дастурида белгиланган** мақсадларнинг бажарилиши устидан таъсирчан **парламент мониторингини** олиб боришга алоҳида эътибор қаратди.

Мамлакатимиз Президентининг давлат ҳокимияти турли тармоқларининг **ўзаро бир-бирини тийиб туриши** ва мувозанати механизмлари тизимида **парламентнинг ролини оширишга қаратилган ташаббуслари** алоҳида эътиборга лойиқдир.

Жумладан, сўнгги йилларда Қонунчилик палатаси фаолиятига **Давлат дастурининг** бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботини ҳар чоракда кўриб чиқиш, Ҳукумат аъзолигига **номзодларни маъқуллаш** амалиёти жорий этилди. **«Ҳукумат соати» институти** кириб келди, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига ҳам **парламент сўровини** юбориш мумкинлиги белгиланди, уларнинг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан **ахборотини қуйи палата мажлисларида** эшитиш тизими йўлга қўйилди.

Парламент фаолиятида олиб борилаётган бу каби ислоҳотлар, айниқса, **ҳисобдорликнинг бундай шакллари** жорий этилиши ҳукуматнинг очиқлигини ва масъулиятини тубдан оширмоқда. Жойларда аҳоли томонидан кўтарилаётган масалаларни **ҳукумат олдига қўйишда** айни муддао бўлмоқда.

**Тўртинчи чақириқ** Қонунчилик палатаси фаолиятида назорат қилиш ваколатларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Назорат қилиш вазифаларини амалга ошириш доирасида Қонунчилик палатаси томонидан биргина жорий йилнинг ўтган даврида қонунлар ижроси юзасидан **24 та** назорат-таҳлил тадбири, **16 та** «парламент эшитуви» ўтказилди, **5 та** «Ҳукумат соати» ташкил этилди, **3 та** парламент сўрови ва **206 та** депутат сўрови юборилди.

Парламент назорати тадбирлари давомида тегишли соҳани ривожлантириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда мансабдор шахслар ишига танқидий баҳо беришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса ҳукумат аъзоларининг, мансабдор шахсларнинг фаолияти самарадорлигини янада оширишга, пировардида, фуқароларнинг давлат органлари фаолиятидан розилигини таъминлашга, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

## Сайловчилар ва электорат манфаати

Сиёсий партиялар — жамиятни тараққиётга етакловчи, одамларнинг фаровон яшаши учун **дадил ғоя** ва **ташаббусларни** тақдим этувчи **катта куч**. Сиёсий партиялар **манфаатларини илгари сурувчи орган** эса уларнинг Қонунчилик палатасидаги **фракциялари** саналади.

Қонун лойиҳаларидаги нормаларнинг халқчиллигини таъминлаш ҳамда жамият ҳаётини янада яхшилаш борасидаги самарадорлигини ошириш мақсадида йўлга қўйилган **«электорат билан маслаҳатлашув» институти** фракцияларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида муҳим ўрин тутмоқда.

Жойлардан қонун лойиҳалари бўйича келиб тушган фикр ва таклифлар сиёсий партиялар томонидан **умумлаштирилиб**, фракциялар мажлисларида кўриб чиқилмоқда. Натижада Қонунчилик палатасида муҳокама қилинадиган ҳар бир қонун лойиҳасида **сайловчилар** ва партия **электоратининг** манфаатлари ўз аксини топмоқда. Қолаверса, фракциялар қонун лойиҳалари муҳокамасида **принципиал позицияларини** атрофлича намоён этиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Зеро, давлат раҳбари таъкидлаганидек, депутатлар муҳокамага киритилган ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича ўзининг **мустаҳкам позициясини** кўрсатган тақдирдагина, **сайловчилар ишончини** оқлай олади.

Шу нуқтаи назардан, мазкур йўналишда қарор топган амалиёт Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари муҳокамаси бўйича **фракциялараро рақобат муҳитини кескин** кучайтирди. Ана шундай фракциялараро баҳс-мунозаралар ва тортишувлар туфайли жорий йилнинг ўтган даврида **3 та** қонун лойиҳаси ташаббускор субъектга ҳамда **4 та** қонун лойиҳаси қайта ишланиши учун масъул қўмиталарга қайтарилди.

Шунингдек ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, давлат мулкини бошқариш, судлар фаолиятини такомиллаштириш, электрон далиллар билан ишлаш, коррупцияга қарши курашиш, реклама соҳасини тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳалари юзасидан фракциялараро муҳокамалар кескин тарзда ўтди.

## Халқ вакиллари — халқ иродасининг чинакам ифодачисига айланмоқда

Мамлакатимиз Президентининг депутат билан сайловчилар ўртасида мустаҳкам муносабатлар ўрнатиш механизмларини такомиллаштиришга доир **ташаббуслари** парламентга аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни чуқур ўрганиш, халқ ва давлат институтлари ўртасида **кўприк бўлиш**, **сайловчиларнинг манфаатларини** тўлароқ ифодалаш имкониятини бермоқда.

Бугунги кунда аҳоли, хусусан, сайловчилар билан доимий мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш депутатларнинг сайлов округларидаги фаолиятининг **устувор йўналишига** айланди.

Авваллари депутатлар **бир йилда уч-тўрт марта** учрашувларга чиққан бўлса, эндиликда **ҳар ойнинг охирги ҳафтаси** депутатларнинг сайлов округида ишлаши учун белгиланди. Бу сайловчилар манфаатларини тўлақонли ифода этиш борасидаги **яна бир муҳим қадам** бўлиб, депутатлар ўз **сайловчиларининг эҳтиёжлари**, муаммолари ва у ердаги **ҳақиқий вазият** тўғрисида ахборот олишини таъминловчи барқарор механизм шаклланди.

Депутатлар сайлов округларидаги фаолияти давомида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бориши, Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти тўғрисида сайловчиларга ахборот бермоқда. Янги қабул қилинган қонунларнинг моҳияти ва аҳамиятини етказмоқда.

Халқ ноиблари нафақат фуқаролар томонидан билдирилаётган муаммо ва камчиликларни ўрганмоқда, балки ижтимоий ҳаётнинг муҳим жабҳаларидаги ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга **халқнинг фикри** ҳамда **аҳоли манфаатларини** инобатга олган ҳолда алоҳида эътибор қаратмоқда.

Шу билан бирга, ижтимоий ва иқтисодий соҳа объектлари, маҳаллалар, аҳоли хонадонлари ҳамда бозорлар ва савдо марказларига ташриф буюриб, **халқ билан юзма-юз учрашувлар** ўтказилмоқда, тадбиркорлик субъектлари вакиллари ҳамда ёшлар билан суҳбатлашилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида депутатлар томонидан **жами 7 331 та** хонадонга ташриф буюрилиб, 4 024 та учрашув ўтказилди. Уларда 86 мингдан зиёд фуқаролар, шу жумладан, 8 мингдан ортиқ тадбиркорлар билан бевосита учрашув ва мулоқотлар ташкил этилди ҳамда 2 354 та ижтимоий соҳа объектининг фаолияти билан танишилди.

Депутатларнинг жойлардаги ушбу фаолияти аҳоли ва сайловчиларни ўйлантираётган, жамият олдида турган муаммо ҳамда камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш имконини бермоқда.

Бугунги кунда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг иши ҳам янги мазмун-моҳият билан бойиди. Масалан, маҳаллий Кенгашларга ҳоким ва унинг ўринбосарлари билан бир қаторда, прокурор, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, молия, солиқ органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш ваколатлари берилди. Натижада маҳаллий Кенгашларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни янада мустаҳкамланиб бормоқда.

Сўнгги йилларда Олий Мажлис палаталари билан маҳаллий Кенгашлар ўртасидаги амалий ҳамкорлик тобора кучайиб бормоқда. Хусусан, «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» Давлат дастурида белгиланган мақсадлар доирасида **Олий Мажлис палаталарининг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлигини кучайтириш бўйича «Йўл харитаси»** ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Депутатлар халқ депутатлари **маҳаллий Кенгашларига амалий ёрдам** кўрсатмоқда. Маҳаллий Кенгашлар депутатларини ҳам **партиявийлигидан** келиб чиқиб, жойлардаги **мулоқотларга жалб қилишмоқда**. Табиийки, бу Қонунчилик палатаси ва унинг қўмиталари томонидан маҳаллий Кенгашлар билан **ҳамкорликни мунтазам** ва **тизимли асосда** олиб боришга имкон бермоқда.

Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси депутатлари сайлов округларидаги фаолиятлари давомида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари, партия гуруҳлари ҳамда Кенгашларда тузилган котибиятларнинг фаолияти самарали йўлга қўйилишига **доимий равишда амалий ёрдам** кўрсатиб келмоқда.

Бу, ўз навбатида, Олий Мажлис палаталари ҳамда маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш, **вакиллик органи сифатидаги функцияларини тўлақонли** бажаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

## Очиқлик ва шаффофлик бош мезондир

Қонунчилик палатаси фаолиятининг **очиқлиги** ва **шаффофлиги**, мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг бориши, қабул қилинаётган қонунларнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида **аҳолини кенг хабардор қилиш**, шунингдек, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида депутатлар томонидан **оммавий ахборот воситалари билан** яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Бугунги кунда ижтимоий тармоқларда ва «YouTube» видеохостингида **«Олий Мажлис Қонунчилик палатаси»** номли расмий саҳифалар очилиб, улар орқали Қонунчилик палатаси мажлислари **тўғридан-тўғри ёритиб борилмоқда**.

Халқ вакилларининг ижтимоий тармоқлардаги фаоллиги сайловчилар билан янада **яқиндан мулоқот қилиш**, аҳоли муаммоларини ўрганиш, энг аҳамиятлиси, мавжуд қонунчиликка ўзгартишлар киритишда муҳим ўрин тутмоқда.

Қонунчилик палатаси мажлислари **жонли эфирга** узатилаётганлиги халқимиз, кенг жамоатчиликнинг қуйи палатада қонун лойиҳаларининг муҳокамалари ва қабул қилиш жараёнига бўлган қизиқишини янада оширди.

Мажлисларнинг **тўғридан-тўғри эфирга узатилиши** натижасида жамоатчилик томонидан Қонунчилик палатасида кўрилаётган масалалар юзасидан кўплаб **фикрлар**, **таклифлар** билдирилмоқда.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнида фуқароларнинг фикрларини инобатга олиш юзасидан **мутлоқо янги тизим** шаклланмоқда.

Албатта, жамоатчилик томонидан илгари сурилаётган таклифлар Қонунчилик палатасининг норма ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим ўрин тутмоқда. Айни пайтда депутатлар корпуси фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

## Халқаро алоқалар кучаймоқда

Бугун жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистоннинг янги тарихидаги тинчликсевар ташқи сиёсати ўзаро ишонч, ҳамкорлик ва очиқлик тамойиллар асосида изчиллик билан амалга оширилаётганлигини эътироф этмоқда.

Ўзбекистоннинг ташаббусларини халқаро ташкилотларда илгари суриш, **парламентлараро ташкилотлар билан ҳамкорликни жадаллаштириш** масалалари доимо парламент эътиборида бўлиб келмоқда.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш билан боғлиқ ғоят долзарб, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни бажаришда **парламентнинг роли ва таъсирини оширишни ҳаётнинг ўзи талаб** этмоқда.

**Ўзбекистон Республикасининг парламент дипломатияси концепцияси** доирасида хорижий давлатлар парламентлари ва халқаро ташкилотлар билан кўп қиррали ва самарали алоқалар изчил давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон дунёдаги энг нуфузли халқаро парламент ташкилотлари бўлган **Парламентлараро Иттифоқ**, **Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси**, **Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси** билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ҳозирги кунда Олий Мажлисда жами **53 та** хорижий давлат парламенти билан парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари фаолият юритмоқда. Ушбу парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари хорижий давлатларнинг **қонун чиқарувчи органлари билан алоқаларни янада ривожлантириш** учун доимий мулоқот майдони вазифасини ўтамоқда ва ўз навбатида, чет эллик парламент вакиллари билан очиқ, конструктив ва жонли мулоқот олиб боришнинг қулай механизмига айланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда парламентнинг фаолият йўналишларига **янги институт кириб** келди. Яъни, мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш бўйича Олий Мажлис палаталари Кенгашлари томонидан **«йўл хариталари»** ишлаб чиқилиб, қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бундай институт халқ вакилларининг масъулиятини янада ошириш билан бирга, парламентнинг олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан **четда турмаслигини таъминлашга** хизмат қилмоқда.

*Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда парламентаризм тарихи мамлакатимиз мустақиллигининг тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб шаклланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўттиз бир йиллик тарихимизнинг барча босқичида мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, халқ ҳокимиятининг чинакам демократик тизимини шакллантириш борасида муҳим ўрин эгаллади.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг миллий сиёсий тизимни ҳамда давлат бошқаруви асосларини демократлаштиришга қаратилган ташаббуслари парламентнинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини янада кучайтирди.*

*Олий Мажлиснинг муҳим ва мустақил институт сифатидаги фаолияти мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, ҳақиқий ҳуқуқий давлатни шакллантириш, мамлакатда конструктив ва бунёдкорлик муҳитини яратиш борасида муҳим аҳамият касб этади.*

***Келгусида*** *мамлакатимиз равнақини янада юксалтириш борасида олдимизда муҳим ва катта ишлар турганини барчамиз* ***яхши англаймиз****, албатта. Ишончимиз комилки, фуқароларнинг* ***манфаатларини ифодаловчи ҳақиқий демократик орган*** *сифатида шаклланган, давлат ҳокимияти органлари тизимида муносиб ўрин эгаллаган, мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга фаол жалб этилган* ***парламентимиз*** *келгусида халқпарвар давлат барпо этишга, миллий иқтисодиётни жадал ривожлантиришга, халқимиз фаровонлигини таъминлашга ва Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига қаратилган ислоҳотларнинг* ***давомчиси*** *бўлиб қолади.*

***Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидан*** *келиб чиқиб, давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг ролини янада кучайтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар депутатлик корпусидан* ***янада фаол бўлишни****, иш жараёнига* ***янгича руҳ*** *ва* ***ўзгача мазмун*** *олиб киришни тақозо этади.*

Сенат қўмиталарида

# МАСАЛАЛАР ИСЛОҲОТЛАРГА ЯНГИЧА СУРЪАТ БЕРИШ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

*Олий Мажлис Сенатининг бир қатор қўмиталарида ўтказилган йиғилишларда парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида киритилган масалалар дастлабки тарзда муҳокама қилинди. Мазкур масалалар мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларга янгича суръат бериш нуқтаи назаридан чуқур таҳлил қилинди.*



Хусусан, Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Унда қўмита аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Қонун 2003 йилда қабул қилинган бўлиб, бугунги кундаги янгиланишлар унга бир қатор ўзгартиришлар киритишни ҳам тартибига олиб чиқди. Шу муносабат билан у янги таҳрирда ишлаб чиқилди.

Қонуннинг мақсади — электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Янги таҳрирдаги қонун амалдагисидан бир қатор янги нормалар билан фарқланиши кўзда тутилаётир. Масалан, электрон рақамли имзодан фойдаланиш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланяпти. Қолаверса, Ҳукуматнинг электрон рақамли имзодан фойдаланиш бўйича ваколатлари мустаҳкамланмоқда.

Қатор нормаларга, жумладан, электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш, электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларининг фаолияти, электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари билан боғлиқ қоидаларга ҳам таҳририй ўзгартишлар киритилмоқда.

* * *

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида муҳокама қилиниши кўзда тутилган масалалар сенаторлар, экспертлар, маҳаллий Кенгаш депутатлари, котибият мудирлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирокида дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Хусусан, "Фарғона вилоятининг Учкўприк, Ўзбекистон, Данғара, Қўштепа, Тошлоқ, Фарғона туманлари ва Қўқон, Марғилон, Фарғона шаҳарлари чегараларини ўзгартириш тўғрисида"ги масала атрофлича таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, Фарғона вилояти шаҳар ва туманлари чегараларида муаммоли масалалар мавжуд бўлиб, айни чоғда бу, шу ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолига турли ноқулайлик ва қийинчиликларни келтириб чиқараётир.

Жумладан, муҳандислик-коммуникация тизимлари, яъни электр тармоқлари, табиий газ, ичимлик суви таъминоти шаҳарлар ҳудудидан тортилган. Эндиликда Қўқон, Марғилон ва Фарғона шаҳарлари таркибига ўтказилаётган ҳудудларга марказларда жойлашган корхоналар томонидан хизмат кўрсатиб келиняпти.

Бундан ташқари, Қўқон, Марғилон ва Фарғона шаҳарларида аҳоли жуда зич жойлашгани сабабли шаҳарларни ривожлантириш, улар ҳудудини янада кенгайтиришда муаммоли масалаларни юзага келтираётгани ҳам сир эмас.

Дастлабки муҳокамалар жараёнида Фарғона вилоятининг Ўзбекистон, Данғара, Учкўприк туманларидан жами 2,6 минг гектар, Қўқон шаҳри, Фарғона, Қўштепа, Тошлоқ туманларидан 1,1 минг гектар, Марғилон шаҳри, Фарғона туманидан 812 гектар ер майдони Фарғона шаҳри таркибига ўтказилиши кутилаётгани айтиб ўтилди.

Қўмита мажлисида "Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани ва Наманган шаҳри Давлатобод тумани, шунингдек, Наманган шаҳрининг чегараларини ўзгартириш тўғрисида"ги масала ҳам муҳокама қилинди.

Унда Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидан 472,2 гектар ер майдонини Наманган шаҳри Давлатобод тумани таркибига ўтказиш ва ушбу ер майдони ҳудудида "Янги Наманган шаҳарчаси" комплексини барпо этиш таклифи илгари сурилди.

Муҳокамалар жараёнида таъкидланганидек, шаҳарча ҳудудида турархой, ижтимоий объектлар ҳамда олий таълим муассасаси, бизнес-марказлари, кинотеатр, маданият маркази, меҳмонхона, IT-парк, санъат галереяси ҳамда 68 гектар майдонда "Янги Ўзбекистон" боғи барпо этилади.

* * *

Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари тизимида 2022 йилнинг биринчи ярмида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати таҳлилдан ўтказилди.

Муҳокамада Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонунга тегишли ўзгартишлар киритилаётганлиги айтиб ўтилди.

Хусусан, мамлакатимизда электрон тўлов воситасидан фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли орқали ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқларни қўлга киритиш билан боғлиқ жиноятлар Жиноят кодексининг 168 ва 169-моддалари оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жавобгарликни белгиловчи норма билан тўлдирилаётганлиги қайд этилди.

Шунингдек, қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга моддий маданий мерос объектларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, таҳқирлаш ёки уларга шикаст етказиш учун жавобгарликни назарда тутувчи янги норма киритилмоқда. Бу эса юртимизда маданий мерос объектлари (ёдгорликлар) ҳимоясини таъминлаш ҳамда муқаддас қадамжоларимизни муносиб сақлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, мажлисда давлат органлари ва ташкилотлари тизимида 2022 йилнинг биринчи ярмида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати бўйича йўл қўйилган камчиликлар танқид остига олинди.

Хусусан, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, Қурилиш вазирликлари ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида фуқароларни қабул қилиш учун алоҳида хона ажратилмаган. Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг фуқароларни қабул қилиш хонаси умуман бошқа бинода жойлашган. Марказий банкда эса фуқароларни қабул қилиш хонасида зарур шарт-шароит яратилмаган.

Шунингдек, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Транспорт, Халқ таълими, Қурилиш, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, Қишлоқ хўжалиги вазирликлари, Пенсия жамғармаси, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Кадастр агентлиги, Қурилиш соҳасидаги назорат инспекцияси ҳамда "Агробанк"да мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларига риоя қилинмаган.

Муҳокамалар натижасида аҳоли энг кўп мурожаат қилишга мажбур бўлаётган тизимли муаммолар ва уларни келтириб чиқарувчи омилларни маҳалла ёки қуйи тизимнинг ўзида бартараф этиш чораларини кўриш бўйича тавсиялар берилди.

Якунда муҳокама этилган масалалар юзасидан Сенат қўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ФРАКЦИЯЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

*Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилиши билан бирга, парламент қуйи палатаси Ёшлар масалалари бўйича комиссиясининг 2022 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти ҳам эшитилди.*



**ЎзЛиДеП фракцияси** йиғилишида дастлаб "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Сўнгги пайтларда йиртқич ва заҳарли ёввойи ҳайвонларни жамоат жойларида олиб юриш, тўй, маърака, юбилей ҳамда бошқа оилавий тадбир ва маросимларда улар билан бирга келиш ҳолатлари ортиб бормоқда. Бу фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун жиддий хавф туғдириши мумкин.

Ушбу ҳужжат ёввойи, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди. Қолаверса, аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, ушбу ҳайвонлар билан боғлиқ нохуш ҳолатларнинг олдини олишни таъминлашга хизмат қилади.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Ҳужжатни янада такомиллаштириш бўйича асосли таклифлар ўртага ташланди. Узоқ давом этган савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссиясининг 2022 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти ҳам эшитилди.

**"Миллий тикланиш" демократик партияси** фракцияси аъзолари томонидан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ҳар бир қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти содда тилда кенг жамоатчиликка етказилиши муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, қонунчиликдаги ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига содда ва тушунарли тарзда етказиш учун қонунларда муқаддималардан фойдаланиш тартиби йўлга қўйилган.

Жумладан, амалдаги қонунларга мувофиқ қонун лойиҳаси бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида иккинчи ўқишда овоз бериш, қоида тариқасида моддама-модда ўтказилади. Қолаверса, овоз бериш боблар ёки бўлимлар бўйича, шунингдек, бир неча моддалар бўйича бир вақтнинг ўзида ўтказилиши мумкин.

Аммо қонуннинг муқаддимаси ушбу санаб ўтилган таркибий бирликларнинг бирортасига ҳам кирмайди. Ваҳоланки, қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинаётганда унинг муқаддимаси ҳам халқ вакилларининг муҳокамасидан ўтиши лозим.

Депутатлар ушбу омилларни эътиборга олиб, мазкур қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлашди.

Фракция йиғилишида "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилиниб, депутатлар томонидан маъқулланди.

**"Адолат" СДП фракцияси** йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссиясининг 2022 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, ушбу комиссия томонидан жорий йилнинг ўтган даврида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёш авлодда замонавий ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, уларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, ҳисобот даврида комиссия томонидан 19 та қонун лойиҳаси юзасидан 35 та асослантирилган таклиф тайёрланди. Шу даврда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилди.

Савол-жавоблардан сўнг комиссиянинг жорий йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти маъқулланди.

Мажлисда, шунингдек, "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилиб, қўллаб-қувватланди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** аъзолари дастлаб "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишди.

Қонун лойиҳаси билан қоида тариқасида, унинг номига, муқаддимасига (агар мавжуд бўлса), ҳар бир моддасига алоҳида-алоҳида овоз бериш назарда тутиляпти. Фракция аъзолари бу янгиликни бир овоздан қўллаб-қувватлашди.

Йиғилишда, шунингдек, Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссиясининг 2022 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти ҳам тингланди.

Хусусан, комиссия ўтган давр мобайнида "ёшлар дафтари"га киритилган ишсиз ёшларнинг муаммоларини бартараф қилиш мақсадида улар билан кўплаб очиқ мулоқотлар уюштиргани эътироф этилди. Фракция аъзолари айрим таклиф ва тавсияларни билдирган ҳолда, комиссия ахборотини маъқуллади.

Кун тартибидаги навбатдаги масала — "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан атрофлича кўриб чиқилиб, қўллаб-қувватланди.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** йиғилишида "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокамадан ўтказилди.

Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхатга мувофиқ йиртқич ва заҳарли ёввойи ҳайвонларни Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бериладиган махсус гувоҳномаларсиз юридик ва жисмоний шахслар ўзбошимчалик билан сақлаши тақиқланмоқда. Шунингдек, яна бир қатор янги нормалар акс этмоқда.

Ҳужжат лойиҳаси юзасидан фракциянинг таклиф ва мулоҳазалари билдирилиб, биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Шундан сўнг халқ вакиллари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссиясининг 2022 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти эшитилиб, фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЗАМОНАВИЙ ФИКРЛАШ ВА ИШЛАШ — МУҲИМ ВАЗИФА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллигига бағишлаб "Мустақиллик — улуғ неъмат" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.*

## Давра суҳбати

Қайд этилганидек, ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор вазифасига айланган. Давлатимиз раҳбари томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган "Ёшлар — келажагимиз", "Беш ташаббус" каби ижтимоий ривожланиш дастурлари йигит-қизларни янгича фикрлаш ва ишлашга ундамоқда. Юз минглаб, миллионлаб ёшларни ташаббускорликка чорламоқда.

Бугун мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 64 фоизини ёшлар ташкил этиши, албатта, бу давлатимиз зиммасига улкан масъулият юклайди. Шу билан бирга, бу жуда катта эътибор, ғамхўрликни талаб қилади. Сабаби давлатнинг қудратини белгилайдиган қатор омиллардан бири — маънан етук, мустақил фикрлайдиган, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялашдир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси бугун айни шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, ҳеч бир ёш давлатимизнинг эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолаётгани йўқ. Ёшлар ишлари агентлиги, ҳар бир маҳаллада ёшлар, уларнинг муаммолари билан ишлайдиган ёшлар масалалари бўйича етакчилар фаолияти йўлга қўйилгани ҳам аллақачон натижа бера бошлади.

Сўз олганлар ёшлар билан ишлашда ўзликни англаш, миллий ғурур тушунчаларига аҳамият бериш ва аждодларга муносиб фарзанд бўлиб, мустақилликнинг қадрига етиш, янги Ўзбекистон тараққиёти учун ҳисса қўшишга мотивация бериш лозимлигини қайд этдилар.

Якунда турли йўналишларда ютуқларга эришган ёшларнинг муваффақиятлари тенгдошларига ўрнак қилиб кўрсатилди.

**«Халқ сўзи».**

# МУҲОКАМАЛАРДА ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАРИМИЗ ФАОЛ ҚАТНАШДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.*

## Қўшма мажлис

Видеоконференция тарзида ташкил этилган тадбирда "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасида фаол иштирок этган хориждаги ватандошларимизнинг долзарб таклифлари улар иштирокида муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда конституциявий ислоҳотларни амалга оширишда халқимиз билан ҳар томонлама маслаҳатлашган ҳолда нафақат юртимиз, балки жаҳондаги илғор тажрибалар чуқур ўрганилди ва шунга асосан иш олиб борилди.

Хориждаги сиёсий доиралар ва етакчи экспертларга конституциявий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини етказиш бўйича АҚШ, Буюк Британия, Швейцария, Польша, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Саудия Арабистони каби давлатларда конференция, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар юқори савияда уюштирилди. Муҳокамаларда хориждаги ватандошларимиз ҳам катта қизиқиш билан иштирок этди. Хусусан, Қозоғистон, Россия, Туркия, Жанубий Корея, Германия ва бошқа давлатлардаги ватандошларимиздан юзлаб таклиф, мулоҳазалар келиб тушди ва уларнинг аксарияти қонун лойиҳасида акс этди.

Ҳозирги кунда хориждаги ватандошларимиздан келиб тушган таклифлар масъул қўмиталарда экспертлар, мутахассислар, олимлар, сиёсатчилар иштирокида атрофлича муҳокама қилиниб, Конституциявий қонун лойиҳасини маромига етказишда эътиборга олинмоқда. Шунингдек, масъул қўмиталар Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича келиб тушаётган таклиф ва мулоҳазаларни "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ кўриб чиқяпти.

Мазкур мулоқот ҳам умумхалқ муҳокамасида фаол иштирок этган хориждаги ватандошларимизнинг билдирган ўз фикр-мулоҳазаларини, асосли таклифларини яна бир маротаба муҳокама қилиш ва уларни қонун лойиҳасида акс эттиришга туртки бўлди.

Йиғилишда ҳозирги кунда келиб тушган таклифлар асосида Конституциявий қонун лойиҳаси маромига етказилаётгани, лойиҳа матни тайёр бўлиши билан у депутатлар муҳокамасига киритилиб, халқ вакилларининг фикрини инобатга олган ҳолда референдумга қўйилиши маълум қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЮРТИМИЗНИНГ ЭКОТУРИЗМ САЛОҲИЯТИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

*Туризм дунёдаги қатор давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий тараққиётини таъминловчи етакчи йўналиш сифатида бугун ўзини намоён этиб улгурди. Ҳозирда жаҳон миқёсида маданий маърифатга оид, зиёрат туризмининг ҳар хил турлари, ихтисослаштирилган, яъни экологик, таълим, даволаш ва соғломлаштириш, аграр ҳамда бошқа турлари сайёҳликнинг энг истиқболли йўналишлари ҳисобланади.*

## Мушоҳада

Бу борада Ўзбекистонинг имкониятлари жуда юқори бўлиб, гўзал табиат, ландшафтлар, хилма-хил ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ёдгорликлар ҳар қандай кишини ўзига маҳлиё этади. Экотуризм — соғлом ҳаёт тарзи шакли ҳам бўлиб, экологик турлар кўпинча спорт билан шуғулланиш, соғломлаштириш муолажаларини кўзда тутади. Ўзбекистоннинг дам олиш масканлари ҳам туристларни ўзига жалб этиши, шубҳасиз.

Бу ҳақда бежиз сўз очмадик. Ўтган асрнинг 80-йилларидан саёҳатчилар эҳтиёжида ўзгариш кузатилиб, одамлар ёз иссиғида табиий ўрмонларни, йирик шаҳар иншоотлари ўрнига маҳаллий аҳоли тураржойларини, сўлим хиёбонларни, истироҳат боғларини афзал кўра бошлади. Шу боис ҳам бугун экотуризмнинг ўсиш суръати бутун туризм индустрияси ўсиш суръатидан 2-3 марта юқорироқдир.

Мамлакатимиз дунёга ўзининг минерал ресурслари, ландшафтларининг гўзаллиги — табиат бойликлари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг хилма-хиллиги ҳамда қулай иқлим шароитлари билан танилган. Ўзбекистон иқлим шароити бўйича дунёдаги машҳур санаторийлардан афзалроқ ҳисобланади. Яъни мамлакатнинг деярли барча вилоятлари оммавий экотуризм марказлари бўла олиш салоҳиятига эга.

Айтиш жоизки, республика ҳудудида табиий экотизимлар ниҳоятда хилма-хил бўлиб, улар чўл ва яримчўл, тоғолди ва пастқам тоғли жойлар, тоғ, дарё ва қирғоқбўйи ҳамда сувли-ботқоқ жойлар мавжуд. Ўзбекистон биохилмахиллиги ҳозирги пайтда маълум бўлган 27 мингтага яқин турни ўз ичига олади. Улар орасида ўсимликлар дунёси 11 минг ва ҳайвонот дунёси эса 15,6 мингта турдан ортиқдир.

Сўнгги йилларда юртимизда табиат муҳофазаси, экологик барқарорлик ва биохилмахилликни сақлаш, қайта тиклашга катта эътибор қаратилиб, унинг зарур ташкилий-ҳуқуқий ва институционал базаси яратилди. Соҳага доир бир қатор қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

2019 — 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилмахилликни сақлаш стратегияси ва Ҳаракатлар режаси тасдиқланган. Мазкур ҳужжатга асосан мамлакат умумий ер майдонининг 17 фоизини муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тоифасига киритиш режалаштирилган.

Биологик хилма-хилликни асраш борасида мамлакатимизда эътироф этишга арзигулик ишлар амалга оширилган. Жумладан, Зомин, Нурота, Ҳисор, Қизилқум, Сурхон, Чотқол қўриқхоналари, "Сайгачий" мажмуа буюртма қўриқхонаси, Қуйи-Амударё, Угом-Чотқол биосфера резервати, Зомин, Угом-Чотқол, Зарафшон, Хоразм, Китоб, Жанубий-Устюрт миллий табиат боғлари ва ёдгорликлари, буюртма қўриқхоналар ташкил этилган.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 2020 йилда 1,447 млн. гектар майдонда "Жанубий Устюрт" миллий табиат боғи ва 2021 йилда 280,5 минг гектар майдонда "Судочье-Акпетки" давлат буюртма қўриқхонасига асос солиниб, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдони 3,8 млн. гектарга ёки мамлакатимиз ҳудудининг 8,46 фоизига олиб чиқилди. Бу билан муҳофазадаги табиий ҳудудларда Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвон турларининг 74 фоизи ва ўсимлик турларининг 76 фоизини қамраб олишга имконият яратилди.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини янгидан ташкил қилиш ва мавжудларини кенгайтириш, бундай ҳудудларда фаолият юритишнинг иқтисодий механизмларини халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда олиб бориш, биохилмахилликни муҳофазалаш, зиён етказмасдан фойдаланишда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари изчил олиб борилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мамлакатимизда туризмни, шу жумладан, экотуризмни ривожлантиришда ўтган беш йилда Ҳаракатлар стратегияси асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилган бўлса, Тараққиёт стратегиясида соҳа истиқболи кафолатланган.

Мазкур стратегия асосида ҳудудларнинг "ўсиш нуқталари"дан келиб чиқиб, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма объектлари қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни чоғда юртимиз ҳудудларида қарийб 80 минг километр магистраль ва тақсимловчи электр тармоқлари, 20 мингдан ортиқ трансформатор пунктлари ва 200 дан зиёд нимстанцияларни қуриш ва янгилаш вазифа қилиб олинган.

Ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали кейинги 5 йилда хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 бараварга ошириш, шу йўналишда 3,5 млн. янги иш ўрни яратиш, савдо ва йўлбўйи хизматларини ривожлантириш орқали 130 та замонавий бозор ва савдо комплекслари, шунингдек, йўлбўйи инфратузилмасини ривожлантириш бўйича 65 та йирик ва 5 мингта кичик хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш белгиланган.

Бундан ташқари, хизматлар соҳасининг жозибадорлигини ошириш бўйича тадбиркорлик субъектларига қўшимча имтиёзлар тақдим этилади. "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг!" дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 млн. нафардан ошириш ва хорижий туристлар ташрифини 9 млн.га етказиш мақсад қилиб олинган. 2026 йилгача туризм соҳасида банд бўлган аҳолини 2 баравар кўпайтириб, 520 минг нафардан ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Қолаверса, экотуризмни ривожлантириш ҳамда Зомин, Фориш, Бахмал туманлари ва "Айдар-Арнасой" кўллар тизимида қўшимча туристик зоналар ва дам олиш масканларини барпо этиш, 300 млн. долларлик лойиҳаларни амалга ошириш, 25 минг иш ўрни яратиш вазифаси ҳам олдимизда турибди.

Эътироф этиш жоизки, сўнгги йилларда Оролбўйи ҳудудларида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, денгизнинг қуриган тубини ўрмонзорга айлантириш борасидаги эзгу ишлар нафақат юртдошларимиз, балки хорижликларнинг ҳам диққат марказида бўлиб келяпти. Зеро, қисқагина вақт мобайнида денгизнинг қуриган тубида қарийб 1 миллион 700 минг гектар майдонда ўрмонзорлар барпо этилди. Муҳими, бу жойларда экотизим қайтадан тикланмоқда, яъни кўчма қумлардан иборат бўлган, қақраб ётган чўл ерлар яшил ҳудудга айланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳудудда бўлаётган ўзгаришларни ўз кўзи билан кўриш истагида бўлганлар сонининг кундан-кунга ортиб боришига замин яратмоқда.

Туризмни ривожлантиришда транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона транспорт тизими тараққиётига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Тошкент ва йирик шаҳарлар ўртасида кунлик транспорт қатновлари бўйича узоғи билан 6-7 соатда манзилга бориб-келиш имкониятини яратиш, транспорт ва логистика хизматлари бозори ҳамда инфратузилмасини ривожлантириш, темир йўл инфратузилмасини электрлаштириш даражасини 60 фоизга етказиш, автомобиль йўллари тармоғини жадал равнақ топтириш каби масалалар ҳам кўзда тутилган.

Галдаги вазифа — экотизимни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш манбалари мақсадли сарфланишига ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонларини янада кенгайтиришга эришиш. Қолаверса, соҳада илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, мутахассислар тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўламини янада кенгайтиришдан иборат.

Шунингдек, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос экотуристик йўналишларини ишлаб чиқиш, Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини чет элларда тарғиб қилиш, саёҳатларнинг атроф-муҳитни ўрганиш ва уни туристик сарф-харажат ҳисобига қўллаб-қувватлашга қаратилган экологик шаклларини ҳам ривожлантириш лозим.

Экотуризм бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастурларини яратиш, аҳолининг экотуристик онги ва маданиятини ўстириш учун оммавий ахборот воситаларида экотуризмга бағишланган рукн ва туркумларни, интернетда давлатнинг ахборот алмашув ва тарқатув сайтларини ташкил қилиш, илмий оммабоп нашрлар чоп этиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг экотуризм салоҳияти ниҳоятда юқори. Ана шу салоҳиятдан унумли фойдаланиш учун бор имкониятимизни ишга солсак, нур устига аъло нур бўлади.

**Борий АЛИХОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси,**
**Эркин ОМОНОВ,**
**мазкур қўмита котибияти маслаҳатчиси.**

# САЛОМ СИЗГА ХОРАЗМДАН!



*Юртимизда улуғ ҳофиз Комилжон Отаниёзов соҳир овоз билан ижро этган “Салом сизга Хоразмдан” ашуласини тингламаган санъат ихлосманди кам топилади. Кўҳна ва навқирон диёрнинг жозибакор табиати, нилий гумбазлари, ложувард осмонга кўрк бағишлаган мағрур миноралари, асрий қалъалари, меҳридарё одамлари тараннум этилган бу қўшиқ ҳар тингловчини Хоразмни бир марта бўлса-да, бориб кўришга ундайди. Бу сеҳрли маъвога ошиқ қилади.*

*Дарҳақиқат, “Хоразм” атамаси билан боғлиқ кўплаб афсона ва ривоятларда ушбу воҳа қуёшли ер, муқаддас, унумдор замин сифатида таърифланади. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, Хоразм воҳаси шундай хосиятли бир юртки, унинг ҳар қандай одамни ҳам ўзига тортадиган беқиёс сеҳри, жозибаси бор. Чунки Хоразм деганда, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, миллий давлатчилигимизнинг тамал тоши қўйилган бетакрор бир ўлка кўз олдимизга келади.*

## Илм-маърифат бешиги

Бу кўҳна маконда бундан неча минг йиллар олдин давлатчилик ва шаҳарсозлик асослари, бой маданият ва цивилизация яратилгани дунё илм-фанида алоҳида эътироф этилган. Айнан шу заминда инсоният тарихидаги энг қадимги ёзма манбалардан бири “Авесто” китоби яратилган. XII — XIV асрларда элимизга ташриф буюрган араб сайёҳлари Ёқуб ал-Ҳамавий, ибн Баттута каби алломалар дунёдаги ҳеч бир ўлкада Хоразмдагидек олижаноб, маърифатпарвар, ҳунарманд, меҳмондўст элни кўрмаган, деб ёзган.

Илк ўрта асрларда асос солинган Хоразм Маъмун академияси бутун Шарқ ва Ғарб оламида юксак шуҳрат қозонган. Аждодларимиз ақл-заковатининг ёрқин намунаси ҳисобланган ушбу илм даргоҳи фаолияти Ватанимиз тарихининг ёрқин саҳифаларидан биридир.

Бундан минг йил олдин илмий фаолият олиб борган, ўз таркибида юздан ортиқ машҳур алломалар, уларнинг кўплаб иқтидорли шогирдларини бирлаштирган, улкан кутубхона, истеъдодли ёшлар учун мадраса, таржимон ва хаттотлар мактаби тузилмалари, илмий тадқиқот ва изланишлар олиб бориш учун барча шароитга эга бўлган мазкур “Байт ул-ҳикма”да ўша давр ва кейинги замонлар учун ўта муҳим бўлган илмий кашфиётлар амалга оширилган. Абу Райҳон Беруний раислик қилган ушбу даргоҳда бажарилган илмий изланишлар услуби ҳали ҳам амалиётда қўлланиб келинади. Бу илм сарчашмаси бутун дунёга донги кетган, илм-фанда катта бурилишлар ясаган Ибн Ироқ, Журжоний, Ибн Сино, Мискавайх, Абулхайр Хаммор, Масиҳий каби кўплаб олимларни етиштириб берди. Ҳозирги кунда ҳам бирон-бир соҳа тадқиқот олиб бориладиган бўлса, албатта, қадимий академия олимларининг асарларига мурожаат қилинади.

Ушбу илм-фан маскани атиги ўн беш йил фаолият кўрсатган бўлса-да, ўзининг юксак илмий салоҳияти билан бутун дунё тараққиётига беқиёс ҳисса қўша олган. Бу тарихий ҳақиқат истиқлол йилларидагина юзага чиқди, буюк алломаларимизнинг шаъну шавкати, муборак номларини қайта тиклаш, муносиб ворис сифатида уларнинг бой ва ноёб илмий меросини чуқур ўрганиш, табаррук қадамжоларини обод қилиш бўйича эзгу ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда ҳам Хоразм Маъмун академияси ҳақиқий илм-маърифат ўчоғи сифатида фаолият олиб бормоқда. Муассаса жаҳоннинг 20 га яқин хорижий илмий марказлари билан алоқа ўрнатган. Жумладан, Америка Қўшма Штатларининг Калифорния, Индиана, Блумингтон университетлари, Германиянинг ZEF илмий-тадқиқот маркази, Малайзия мультимедиа университети, Саудия Арабистонидаги Подшоҳ Файсал номидаги илмий-тадқиқот маркази, Жанубий Кореянинг Кёнгхи университети, Беларуснинг қатор университетлари ва илмий-тадқиқот марказлари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Академия олимларининг илмий лойиҳалари Малайзия, Хитой, Германия, Беларусь, Туркия, Италия давлатлари илмий марказларига, ЮНЕСКО, TEMPUS ва Жаҳон банкига тақдим қилинган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 27-28 январь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи чоғида Маъмун академияси фаолияти билан ҳам яқиндан танишиб, илм маскани фаолиятини янада ривожлантириш, илмий ходимлар учун муносиб шароитлар яратиш борасида топшириқлар берди. Натижада илм даргоҳи Давлат бюджетидан молиялаштириш тизимига ўтказилиб, моддий-техника базаси мустаҳкамланди, олимлар учун барча шарт-шароит муҳайё қилинди. Масалан, 2018 — 2022 йиллар давомида умумий қиймати 2,2 миллиард сўмлик 20 номдаги асбоб-ускуналар, замонавий компьютерлар, қадимий қўлёзмаларни рақамлаштириш қурилмалари сотиб олинди. Бу эса ота-боболаримиз қолдирган бебаҳо илмий меросни асраб-авайлаш баробарида, илмий янгилик ва кашфиётлар қилиш, инновациялар яратиш, ёшларни илмга жалб этиб, иқтидорли олимлар етиштиришга катта рағбат бўлди.

Ўтган давр мобайнида Хоразм Маъмун академиясида олиб борилган изланишлар натижасида мамлакатимиз миқёсидаги қатор долзарб муаммолар ўзининг илмий ечимини топганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги барчамиз учун қувонарли ҳол. Бу ерда фаолият юритаётган олимлар бундан кейин ҳам ўзларининг бой илмий салоҳиятини юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида сафарбар қилаверади.

## Асрий қалъаларнинг оҳанрабоси

Хоразм — қадимги Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган бўлиб, Ўзбекистоннинг энг юқори сайёҳлик салоҳиятига эга минтақаларидан бири ҳисобланади. Хива шаҳрининг халқаро миқёсда “Очиқ осмон остидаги музей” дея эътироф этилиши бежиз эмас. Бу ерда турли даврларда бунёд қилинган қалъалар бугун ҳам бутун бир ансамбль сифатида сақлаб қолингани, асраб-авайланаётгани, халқимизнинг ноёб меъморчилик салоҳияти ва анъаналарини намоён этиб, тарих сир-синоатларидан сўзлаб тургани дунё сайёҳлари эътиборини оҳанрабодек доим ўзига тортиб келади.

Бу кўҳна обидаларнинг ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилиши нафақат Хоразм вилояти, балки мамлакатимизнинг жаҳон туризм бозоридан муносиб ўрин эгаллашига мустаҳкам замин яратади.

Дунё иқтисодчилари, мутахассислар ва экспертлар туризм ҳар бир мамлакат иқтисодий тараққиётининг драйвери — ҳаракатлантирувчи кучи экани ҳақида якдил фикр билдирмоқда. Ушбу йўналиш янги иш ўринларига замин яратиш баробарида ижтимоий ривожланишга катта ҳисса қўшади. Мамлакатда хизмат кўрсатишга асосланган иқтисодиётни равнақ топтириб, инсонларда иқтисодий кўникмаларни оширади, билим уфқларини кенгайтиради.

Бугунги кунда аксарият мамлакатларда бутун саъй-ҳаракатлар чет эллик сайёҳларни жалб этишга қаратилмоқда. Зеро, туризм ривожланаётган мамлакатлар учун, айниқса, пул оқимини оширишда фойдали бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистонда туризм соҳасига қаратилаётган эътибор ўз меваларини бера бошлади. Масалан, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг XI сессияси доирасида илк бор Ўзбекистон шаҳарларидан бири — Хивани 2024 йилда “Ислом дунёсининг туризм пойтахти” дея эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилинди. Ушбу юксак мақом учун Абу-Даби (БАА), Шанлиурфа (Туркия), Лаос (Нигерия), Душанбе (Тожикистон) ва Хива (Ўзбекистон) шаҳарлари ўзаро курашди. Сессия иштирокчилари бир овоздан Хива шаҳри номзодини танлади. Бу кўҳна ва ҳамиша навқирон кентнинг тарихий қиёфаси тикланиши, реставрация ва консервацияга оид амалга оширилган ишлар, қолаверса, электр устунларининг демонтаж қилингани, сайёҳлар катта оқимининг қабули учун яратилган шароитлар, инфратузилманинг яхшилангани, беш юлдузли меҳмонхона ҳамда бутик-отель ва хостеллар қурилиши фаол давом этаётгани алоҳида қайд қилинди. Бундан ташқари, туризм ва унга ёндош соҳалар тадбиркорлари учун яратилган қулай шароитлар юқори баҳоланди.

Хоразмда “Ислом дунёсининг туризм пойтахти” йили доирасида қатор тадбирлар уюштирилади. Жумладан, Хива шаҳрида ИҲТга аъзо 57 давлатнинг туризм вазирлари ва туристик маъмуриятлари раҳбарларининг юқори даражадаги йиғилиши ўтказилади. Шу билан бирга, ислом олами ва зиёрат туризми салоҳиятини очиб берувчи илмий-амалий анжуманлар, фотокўргазмалар ва арт-экспозициялар бўлиб ўтади.

Хива шаҳрига юксак мақомнинг тақдим этилиши Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан туризм соҳасида асосий омиллардан саналган виза режимини соддалаштириш, маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, тарихий шаҳарларни ободонлаштириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар эътирофидир.

Таъкидлаш кераккки, 2019 йилнинг 30 ноябрь куни Турк маданиятлари халқаро ташкилоти — ТУРКСОЙ доимий кенгашининг 37-мажлисида 2020 йилда Хива шаҳри “Туркий дунёнинг маданият пойтахти”, деб эълон қилинган эди. Бу нафақат сайёҳлик тармоғини янада ривожлантириш, балки қардош халқларни янада яқинлаштириш, абадий дўстликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди.

Хива нафақат юртимиздаги, балки Ер юзидаги энг қадимий шаҳарлардан бири саналади. Хоразм заминининг дурдонаси саналган бу қадим шаҳар ўз тарихи давомида не-не босқинларни, истилоларни кўрмади?! Жаҳонни зир титратган фотиҳлардан ном-нишон қолмади. Аммо Хива ҳамон гўзал ва мафтункор.

Маълумки, 1997 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Хива шаҳрининг 2500 йиллиги кенг нишонланган эди. Айни пайтда Хива юртимизнинг туристик салоҳияти тобора ортиб бораётган шаҳарларидан биридир. Икки ярим минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган бу қадимий шаҳарнинг биргина Ичан қалъа меъморий ансамбли ўнлаб тарихий обидаларни ўз ичига олади. Жумладан, Муҳаммад Аминхон, Қутлуғмурод иноқ мадрасалари, Исломхўжа минораси, Калтаминор, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Тошҳовли сингари обидалар Хоразм меъморчилик мактабининг ўзига хос намуналари саналади.

“Ислом дунёсининг туризм пойтахти”, деб эълон қилиниши бу гўзал шаҳар довруғини дунё миқёсида оширишда яна бир муҳим қадам бўлди.



**Буюк Британиянинг етакчи нашрларидан бири “The Telegraph” ўзининг сайтида чоп этган “Ҳар бир инсон ҳаёти давомида кўриши керак бўлган 35 шаҳар” номли мақолада жаҳоннинг қадимий ва энг гўзал шаҳарлари саралаб олинган. Ушбу рўйхатдан Париж, Санкт-Петербург, Рио де-Жанейро каби шаҳарлар қаторидан қадимий Хива ҳам ўрин олгани бежиз эмас. Жаҳон аҳли талпинаётган бу қадим кентни бир бор кўрмаслик мумкинми?**

## Янги мажмуа Урганчнинг юзига айланади

Хоразмнинг нафақат ўтмиши буюк, балки бугуни ҳам залварли. Охирги беш йилда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида умумий қиймати 2 миллиард доллар бўлган 7 мингдан зиёд инвестиция лойиҳалари амалга оширилган. 141 мингта янги иш ўрни яратилди. Туризм соҳасида 80 та янги меҳмонхона қурилган. Тошсоқа ирригация тармоғи реконструкция қилиниши натижасида 191 минг гектар ерга сув етиб борган. 12 минг хонадонли уй-жойлар барпо этилган.

Кейинги беш йилликда ҳам вилоятда 250 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратиш мақсади қўйилган. Уларнинг 100 минги маҳаллаларда тадбиркорликни кенг жорий қилиш орқали ташкил этилади. Туризм хизматларини камида беш баробарга ошириш бўйича алоҳида дастур қабул қилинади. 12 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, аҳолига очиқ танлов асосида ижарага берилади. Шунингдек, транспорт, таълим, тиббиёт, экология ва бошқа ижтимоий соҳалардаги режалар ҳам беқиёс.

Хоразм вилоятида амалга оширилаётган барча ислоҳот ва лойиҳалар ҳудуднинг иқтисодий ўсиш суръатларини юксалтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш орқали инсон қадрини улуғлаш, халқни рози қилишга қаратилган. Мана шундай улкан-улкан режаларни амалга ошириш учун мамлакатимизда барча имконият — табиий ресурслар ҳам, иқтисодий, инсоний, интеллектуал ва маънавий салоҳият ҳам етарли.

Маълумки мамлакатимизнинг барча ҳудудида катта кўламли қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Андижон, Наманган, Нукус ва бошқа шаҳарларда янги шаҳарчалар барпо этилмоқда. Шу тажриба асосида, Президентимиз ташаббуси билан Урганчда ҳам Ал-Хоразмий шаҳарчаси қурилиши режалаштирилган. Бунинг учун аэропорт яқинидан 130 гектардан зиёд ҳудуд ажратилган.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳа билан жорий йил март ойида вилоятга сафари чоғида танишган, уни такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берган эди. Шулар асосида пишитилган лойиҳа ижобати бугунги хайрли кунларда — Мустақиллик байрамимиз арафасида бошланди. Президент 29 август куни Урганч шаҳрида Ал-Хоразмий шаҳарчаси қурилиши пойдеворига капсула қўйди.

Лойиҳага кўра, бу ерда замонавий университет, IT-парк, уйлар, мактаб ва боғча, маданият ва спорт мажмуалари барпо этилади. Шаҳарча марказида Муҳаммад ал-Хоразмий сайилгоҳи бўлиб, буюк алломанинг муаззам ҳайкали ўрнатилади. Бу ер шаҳар ичидаги шаҳарча бўлади. Университет, инновацион марказ ва мактаблар илм ҳамда таълим кластерини ташкил этади. Бу ерда ишловчилар учун кўп қаватли уй-жойлар, илмга асосланган саноат зонаси ҳам бўлади.

Қисқача айтганда, Ал-Хоразмий шаҳарчаси, Президент таъкидлаганидек, худди Самарқанддаги “Буюк Ипак йўли” халқаро туризм маркази сингари мамлакатимизнинг энг гўзал ва бетакрор масканларидан бирига, таъбир жоиз бўлса, Урганч шаҳрининг юзига айланади.

Урганчдаги Санъат музейи биносини реконструкция қилиб, кўргазма майдонини кенгайтириш, Хивадаги Қўғирчоқ театрини замонавий бинога кўчириш ҳам мўлжалланган. Янги бинолардан самарали фойдаланиш, уларда қўшимча хизматларни йўлга қўйиб, даромад топишга шароит яратиш устида ишлар олиб борилаётгани эътиборга молик.

## Рақамли дунё сари йўл

Дунё тамаддунининг бугунги босқичида юрт тараққиёти ва фаровонликка эришишнинг асосий йўналишлари замон эврилишларига ҳамоҳанг ўзгарди. Рақамлаштириш жараёни ҳаётимизнинг барча жабҳасини қамраб олган бугунги даврда фақат илм, маърифат ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали дунё айвонида ўз мавқеимизни мустаҳкамлаб, муносиб ўрнимизни эгаллашимиз мумкин.

Ўнли саноқ тизимини кашф этиб, инсониятга рақамлар тўғрисида илк тушунчаларни берган кўҳна Хоразм заминидаги бугунги янгиланиш ва туб ўзгаришлар буюк аждодларимиз анъаналари давомийлигидан дарак беради.

Муҳаммад ал-Хоразмийнинг ўнлик саноқ тизими, хусусан, ноль рақамини киритгани бугунга келиб, инсоният ақлу идрокини ҳайратда қолдираётган кибернетика, космонавтика ва компьютер тизимига асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бугун оддий телефоннинг биргина мурватини босиб, Ер шарининг хоҳлаган нуқтаси билан боғлана оламиз. Ана шу ақлга сиғмас мўъжиза замирида эса ал-Хоразмий кашф этган “алгоритм” мужассамдир. Ана шундай буюк даҳолар ворислари яшаётган замин бугунги кунда рақамли технологиялар борасида жаҳонда энг етакчи мавқени эгаллашига маънан ҳақлидир.

Жорий йилда Урганч шаҳрида ўз фаолиятини бошлаган дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки — IT-парк Урганч филиали ана шундай етук дастурчиларни тайёрлаб берадиган марказдир.

IT-парк Урганч филиалида маҳаллий IT-компаниялар учун барча шароит яратилган бўлиб, унда юқори тезликдаги интернет алоқаси ва замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланган офислар, коворкинг маркази ташкил этилган. Ҳозирги кунда филиалда 40 дан ортиқ стартап лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бу йил Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликларининг “Бир миллион дастурчи” қўшма лойиҳасининг “Энг фаол ҳудуд” номинацияси бўйича Хоразм вилояти ғолиб деб топилди. Тақдирлаш маросимида Хоразм вилоятига мукофотга қўшимча равишда IT йўналишидаги “Coursera” платформасида бепул ўқиш учун 500 та лицензия топширилди. Шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали “Лойиҳанинг энг фаол университети” номинацияси бўйича тақдирланди. Бу ютуқлар вилоятда ахборот технологияларининг юқори суръатларда ривожланаётганидан дарак беради.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббусига асосан ҳудудларда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, касб-ҳунарга ўргатиш, ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш мақсадида вилоятнинг барча туманларида рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил қилинди. Ўқув марказларида IT-тадбиркорликни ва стартап лойиҳаларини ишлаб чиқишдан бошлаб то уни тижоратлаштириш босқичигача бўлган жараёнлар қўллаб-қувватланади. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли учун ахборот технологиялари бўйича тайёрлов курслари очилиб, электрон тижоратнинг инновацион усуллари бўйича маълумотлар берилляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрь санасида қабул қилинган “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан рақамли трансформация қилиш бўйича тасдиқланган “Йўл харитаси” ижроси таъминланмоқда.

## Кўҳна диёрнинг буюк тоғлари

Бугунги кунда Хоразм Ўзбекистоннинг салоҳияти юқори вилоятларидан бири ҳисобланади. Бу салоҳият нафақат саноат, қишлоқ хўжалиги, турли ишлаб чиқариш тармоқларида қўлга киритилаётган ютуқларда, балки Хоразм аҳлининг асрлар давомида илм-фанда маёқ бўлиб келаётгани, ҳаёт синовларида тобланиб, одамийликни юксак қадрлаб яшаётганида намоён бўлади.

Президентимиз ушбу вилоятга сафарларининг бирида шундай деган эди:

“Хоразм ҳақида сўз юритганда, машҳур шоиримиз Омон Матжоннинг мустақиллигимиздан олдин ёзган бир шеъри ёдимга тушади. У киши “Нега Хоразмда тоғлар йўқ?” деган саволни қўйиб, “Хоразмнинг буюк тоғлари бор — бу Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий, Ферузлардир”, деб жавоб беради. Бугун биз чексиз ғурур ва ифтихор билан бу рўйхатга Маҳмуд Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Ҳофиз Хоразмий, Сулаймон Боқирғоний сингари улуғ аждодларимизнинг қутлуғ номларини ҳам қўшиб айтишга тўла ҳақлимиз.

Айниқса, енгилмас саркарда, Ватан ҳимоячиси, миллий қаҳрамон Жалолиддин Мангубердининг она юртимиз озодлиги йўлида кўрсатган беқиёс жасорати ва матонати, мана, орадан неча асрлар ўтса ҳамки, халқимиз учун буюк ибрат намунаси бўлиб келмоқда. Бор-йўғи ўттиз икки йилгина умр кўрган бу жасур баҳодирга ҳатто унинг ашаддий душмани Чингизхон ҳам тан бериб, “Қани энди, менинг ҳам Жалолиддинга ўхшаган ўғлим бўлса эди, дунёдан беармон ўтардим”, деб айтган сўзларини сизлар албатта яхши биласизлар.

Минг афсуски, биз мана шундай улуғ аждодимиз ҳақидаги тарихий ҳақиқатни ёшларимизга тўла етказяпмиз, деб айта олмаймиз”.

Давлатимиз раҳбарининг ғояси ва ташаббуси билан бугун мана шу армонлар ушалиб, халқимизнинг асрий орзу-истаклари рўёбга чиқмоқда. Жумладан, Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуаси бунёд этилди.

Кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига ташриф буюриб, маҳобатли ушбу мажмуани тантанали тарзда очгани маънавий-маърифий, маданий ҳаётимиздаги тарихий ишлардан бири бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, Жалолиддин Мангуберди мардлик ва жасорат тимсоли, Ватан ҳимояси йўлида азиз жонини қурбон қилган буюк саркарда сифатида тарих зарварақларига муҳрланган.

Хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги ҳукмдори Жалолиддин Мангуберди тўғрисида XIII асрдан то ҳозирги кунга қадар ёзилган китобларнинг сони минг жилддан ортиқни ташкил этадики, шунинг ўзи ҳам унинг шавкатли номи беқиёс шараф ва эҳтиромга лойиқ эканини кўрсатади.

Бугунги кунда буюк бобомизнинг шарафли номи халқимиз қалбидан жой олиб, улуғланмоқда. Мамлакатимиздаги кўча ва хиёбонларга саркарда номи берилган, “Жалолиддин Мангуберди” ордени таъсис этилган. Унинг фаолиятига бағишланган илмий ва бадиий асарлар халқимизнинг маънавий мулкига айланиб бормоқда. Жумладан, туркиялик киноижодкорлар билан ҳамкорликда “Мендирман, Жалолиддин!” номли кўп қисмли тарихий фильм суратга олинди. Улуғ саркардага муносиб ватанпарвар ўғлонларни тарбиялаш мақсадида Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди номида ҳарбий академик лицей ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йилда Урганч шаҳрида марказий майдон барпо қилиш, унда Жалолиддин Мангубердининг маҳобатли ҳайкалини ўрнатиш ташаббусини билдирган эди. Қисқа фурсатда лойиҳа ҳужжатлари тайёрланиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Урганч шаҳрининг қоқ марказидаги баландлиги 25 метрлик ҳайкал буюк бобомизнинг жасорати ва шону шавкатига жуда мос улуғворлик билан қад кўтарди. Жалолиддин Мангуберди ҳайкалига разм солсангиз, ундаги теран маънолар шуурингизда аниқ тасаввурлар пайдо қилади: буюк саркарда тулпори жиловини маҳкам тутиб, олға интилмоқда, қўшинини эл-юрт ҳимоясига бошламоқда. Ундаги қатъият, салобат ва мағрурлик келажакка катта ишонч билан интилаётган халқимизнинг ватанпарварлигини, тенгсиз жасорати ҳамда букилмас иродасини ифода этади.

Мажмуа моҳият-эътибори билан Хоразмнинг ўзига хос “ташриф қоғози”га айланади. Хорижлик сайёҳлар, кексаю ёш ташриф буюрадиган, умумхалқ байрамлари, халқ сайиллари ўтказиладиган табаррук маскан, янгиланаётган Хоразмнинг беқиёс суратининг бир ифодаси, улуғ ва озод Ватанимиз тимсоли сифатида юртга садоқат ва муҳаббатдан мангу сабоқ сўйлаб туриши, шубҳасиз.

## Ҳар бир инсон ҳаёти давомида кўриши керак бўлган шаҳар

Хоразм вилоятидаги беқиёс бунёдкорлик ишлари ҳудуд қиёфасини бутунлай ўзгартириб, сийратига янги мазмун бахш этмоқда.

Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуасини қуриш ишларига чамбарчас ҳолда Ал-Хоразмий ва Ислом Каримов кўчаларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ҳудудга 18 мингга яқин манзарали дарахтлар, гуллар ва буталар экилди. Фусункор фавворалар бунёд қилинди. Пиёдалар ва велосипед йўлаклари, туризм хизматлари ташкил этилди.

Ушбу майдон остидан ўтадиган автомобиль туннели барпо қилинди. Ёпиқ қисми 260 метр, очиқ қисми 240 метр бўлган, соатига 3,5 минг автомобилни ўтказиш қувватига эга ер ости йўли шаҳар инфратузилмасини яхшилаб, кўчаларда тирбандликларнинг олдини олишга ҳисса қўшади.

Амударёда қурилаётган кўприк лойиҳаси ҳам диққатга сазовор. Лойиҳанинг қиймати 174 миллион доллар бўлиб, унинг эвазига 80 километрлик темир йўл ва Амударё устида 413 метр узунликдаги кўприк барпо этилади. Бу — одамлар узоқ йиллар кутган лойиҳа. Энди янада кўп йиллар халқимизга хизмат қилади. Бу инфратузилмаларнинг самарадорлиги жуда юқори. Масалан, Хоразм вилояти билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги темир йўл масофаси 240 километрга, вақти эса 6 соатга қисқаради. Маҳаллий юк ташиш ҳажми йилига 12 миллион тоннадан 25 миллион тоннага ошади. Шунингдек, халқаро транзитлар учун ҳам қулайлик кенгаяди. Автомобиллар ҳаракати яхшиланиб, аҳолининг узоғи яқин бўлади.

Буюк Британиянинг етакчи нашрларидан бири “The Telegraph” ўзининг сайтида чоп этган “Ҳар бир инсон ҳаёти давомида кўриши керак бўлган 35 шаҳар” номли мақолада жаҳоннинг қадимий ва энг гўзал шаҳарлари саралаб олинган. Ушбу рўйхатдан Париж, Санкт-Петербург, Рио де-Жанейро каби шаҳарлар қаторидан қадимий Хива ҳам ўрин олгани бежиз эмас. Жаҳон аҳли талпинаётган бу қадим кентни бир бор кўрмаслик мумкинми?

Шу маънода, кейинги пайтларда хориж мамлакатлари давлат раҳбарларининг республикамиз қадимий шаҳарларига ташрифи анъанага айланди. 2022 йилнинг мартида Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған Хивага келган бўлса, июнь ойининг ўзида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Озарбайжон Президенти — Илҳом Алиев ушбу шаҳарни зиёрат қилишди.

Бугун Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва хизматларни ривожлантириш, иш ўринлари яратиш, кам таъминланганларни камбағалликдан чиқариш, маҳаллалардаги ижтимоий шароитларни яхшилаш каби долзарб ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар амалга оширилиб, ҳар бир шаҳар ва туман, маҳаллаларда мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, “ўсиш нуқталари” белгиланмоқда. Эндиликда Урганч шаҳрида тўқимачилик ва туризм, Хива шаҳрида туризм ва қурилиш материаллари, Гурлан туманида тўқимачилик ва иссиқхона хўжалиги, Янгибозор туманида иссиқхона ва мева-сабзавотни қайта ишлаш, Тупроққалъа туманида машинасозлик ва электр техникаси каби йўналишлар ривожлантирилаётир.

Бугунги кунда Хоразм тарихий тараққиёт босқичига кирган. Вилоятда амалга оширилаётган бемисл бунёдкорликлар, ободликка ҳамоҳанг одамларнинг руҳи кўтарилиб, эртанги кунга ишончи, эл-юрт тақдирига дахлдорлиги янада мустаҳкамланмоқда.

Бу беқиёс ўзгаришларни, юксалишларни кўриб, кўнглингиз яйраб кетади. Қулоқларингиз остида гўёки Комилжон ҳофиз куйлаган ўша қўшиқнинг дилхуш сатрлари, жозиб наволари такрорланиб, кўҳна воҳадаги бу ўзгаришлар ҳақидаги муждаларни фахр-ифтихор ва мамнунлик билан “Салом сизга Хоразмдан!” дея етказгандек туюлади.

**Ўткир РАҲМАТ.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 24 010 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.20 Топширилди — 04.25 1 2 3 4 5 6